Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 10-noyabr, chorshanba № 91 (7700)

Da'vat

Hadsiz imkoniyatlar hammaga ham ro'-para keladiyu, biroq ko'plar unga duch kelganlarini hatto bilmay qoladilar.

Uilyam CHENNING

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайити азалдан юртимизда шоду хуррамлик, меҳр-мурувват кунлари бўлиб келаётганлигини, ушбу айёмда кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, етимлар, ногиронларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш хайрли анъана эканлигини, бу сананинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2004 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 14 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг Қарори эътироф этилсин ҳамда ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтириш, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи юксак ташкилий даражада нишонланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилад и:

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш бўйича юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда тадбирлар дастури тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (Ш.Мирзиёев) Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Ибн Сино» ҳамда «Олтин мерос» жамғармалари Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2005 йил октябрь ойида «Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни таъминласин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан биргаликда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш доирасида Урганч ва Хива шаҳарларида ўтказилиши белгиланган тадбирларни амалга оширсин.

5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қўшган тарихий ҳиссасининг кенг реклама ва тарғиб қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилишини кенг ёритсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 ноябрь

ЭЛГА ЎРНАК МУАЛЛИМ



Шундай инсонлар бўладики, уларни мевали дарахтга менгзаш мумкин. Бу тоифа кишиларнинг ҳар бир куни эзгулик ва яхшиликка, меҳрга йўғрилган бўлади. Ҳа, гап муаллимлар хусусида бормоқда. Шоймардон ака Чўлиев ҳам 48 йилдирки, ана шундай хайрли ишнинг бошида. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча ёш қалбларга эзгулик уруғини қадаган экан? Қашқадарё вилояти Миришкор тумани 7-умумтаълим мактабининг бу жонкуяр ўқитувчиси «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. Бу бежизга эмас, албатта. Шоймардон Чўлиев кўп йиллик тажрибасига суянган ҳолда мазмунан бой, янги шаклдаги таълим бериш услуби билан вилоятда яхшигина натижаларга эришди. Унинг иш амалиёти бугун кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. Устоз яна кўп йиллар бу улуғ даргоҳда ёшларга ибрат бўлиб, болажонларга илм ва одоб ўргатишдан чарчамасин.

Бурхон РИЗО олган сурат.

Ibrat

O'tgan shanbada Kon-stitutsiya kuniga bag'ishlab «Ekosan» xalqaro xayriya jamg'armasi tashabbusi bilan respublika ekologik hashari bo'lib o'tdi. Ekologiya va salomatlik kunlari doirasida «Orolbo'yi onalari va bolalariga» shiori ostida o'tkazilgan hashardan tushgan mablag' Orolbo'yida insonparvarlik loyihalarini amalga oshirishga sarflanadi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲУҚУҚ ВА БУРЧ — 3-бет

ДАРСЛИК ЭҲТИЁЖ АСОСИДА ЖОЙЛАРГА ЕТКАЗИЛАДИ — 4-бет

БОЛАЛАР СПОРТИ — у мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади — 7-бет

БЕШИКДА ТЕРМУЛГАН МУНЧОҒИМ — ВАТАН — 14-бет

Yaqinda juda qiziqarli o‘tilgan darsni kuzatdim. O‘qituvchidan bu darsni qaerda o‘rganganligini so‘rasam, «Ma’rifat»da o‘qiganligini aytdi.

SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

TANLOV

Poytaxtning Mirobod tumani xotin-qizlar qo‘mitasi tashabbusi bilan «Zulfiya» nomidagi davlat mukofotiga tavsiya etilayotgan nomzodlar tanlovi bo‘lib o‘tdi. Mazkur tanlovda 14 nafar iqtidorli qizlar turli yo‘nalishlarda o‘z bilimlarini sinab ko‘rdilar. Tanlov davomida ishtirokchilar tomonidan yaratilgan ijodiy ko‘rgazmalarning ham namoyishi bo‘lib o‘tdi.

KO‘MAK

Respublika sanitariya va epidemiologiya nazorat markazida AQShning kasalliklarni nazorat qilish va oldini olish markazlari (CDC/CAR) hamda AQSh xalqaro rivojlanish agentligi (YuSAID) tomonidan O‘zbekiston Sog‘liqni saqlash vazirligiga 397 ming 984 AQSh dollari miqdoridagi insonparvarlik yordami topshirildi. O‘n to‘qqiz komplekt laboratoriya asbob-uskunalari va beshta "Damas" avtomobilidan iborat mazkur insonparvarlik yordamini AQShning mamlakatimizdagi Favqulodda va muxtor elchisi Jon Purnell topshirdi.

ЎҚИТУВЧИ КЎП ЎҚИСА — ЎҚУВЧИГА ФОЙДАЛИ

Гулнора САФАРОВА — Шўрчи туманидаги 1-мактаб директори:

— Таълим тизимида нашр этилаётган нашрларни, хусусан, «Маърифат» газетасини маорифимизнинг ойнаси дейиш мумкин. Мен ўзим бу газетани мунтазам мутолаа қилиб, ундан иш фаолиятимда унумли фойдаланиб бораман. Таъкидлаш жоизки, кейинги 4-5 йил ичида севимли нашримизда ижобий томонга кескин ўзгариш сезилди ва таълим ходимлари учун жуда зарур манбага айланди. Бир истагим: газетада мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида меҳнат қилаётган устозлар фаолиятига ҳам кўпроқ эътибор қаратилса, нур устига нур бўларди.

Н.ҚАРШИЕВА — Шўрчи туманидаги 29-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Газетада илм-фандаги энг сўнгги янгиликлар, хусусан, ўзбек олимлари ва ёшлари томонидан яратилаётган кашфиётлар ҳақида мунтазам ўқиб боришни истардим.

Улдона РАИМНАЗАРОВА — Қумқўрғон тумани ХТБ ходимаси:

— Мактабларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш борасида кўпроқ мақолалар, методик тавсиялар, тажрибалар ёритиб борилса, ўқитувчилар учун фойдали бўларди.

Жуман НУРМОНОВ — Ғузор тумани ХТБ услубхона мудири:

— Яқинда жуда қизиқарли ўтилган дарсни кузатдим. Ўқитувчидан бу дарсни қаерда ўрганганлигини сўрасам, «Маърифат»да ўқиганлигини айтди. Демак, газетада берилаётган «Бир соатлик дарс» рукнининг мунтазамлигини таъминлаш зарур.

Газетада иш қоғозларини юритиш бўйича ҳам намуналар бериб борилса...

Қарши шаҳридан бир гуруҳ ўқитувчилар:

— Ўқитувчилик шарафли, масъулиятли касб. Биз газета саҳифаларида ўқитувчининг ҳаёти, муаммолари, оила ташвишлари ҳақида ҳам мақолалар бериб борилишини хоҳлардик. Яна бир истагимиз: Байрам тадбирларини ўтказишга оид тавсиялар, сценарийлар вақтлироқ берилса яхши бўларди. Чунки, газетани олгунимизча баъзан белгиланган тадбир ўтиб кетаяпти.

Булар — Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб ўтган матбуот кунларида педагогларнинг газетамизга оид билдирган фикрларидан бир шингил, холос. Айтиш жоизки, Халқ таълими вазирлиги тизимида нашр этилаётган нашрлар масъул ходимларининг бу иккала вилоятдаги мухлислари билан учрашуви ғоят самарали кечди. Учрашувлар Сурхондарё вилоятининг Шўрчи, Қумқўрғон туманлари ва Термиз шаҳрида, сўнгра Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Ғузор, Косон, Шаҳрисабз, Қарши туманларида ҳамда Қарши шаҳрида бўлиб ўтди.

Муштарийлар меҳмонлардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олган бўлсалар, ўз навбатида меҳмонлар муштарийлардан ўз нашрларини янада бойитишга, уни янада ўқишли ва ўқитувчи учун фойдали қилишга кўмак берадиган жўяли таклифлар ва фикрлар олдилар.

Учрашувлар давомида тўпланган фикрларнинг қаймоғини оладиган бўлсак, шундай маъно келиб чиқади: «Бугунги тезкор даврда ўқитувчи фақатгина дарслик билан чекланиб қолмасдан, матбуот нашрлари билан ҳам мунтазам танишиб бормоғи зарур. Шундагина у, ўз кўзлаган эзгу мақсадига эришади. Ўқитувчининг кўп ўқигани — ўқувчининг фойдаси».

Энг муҳими, бу илғор фикр таълим ходимларининг онггига сингиб бормоқда ва улар ўз нашрларига бефарқ эмаслар.

Берилган таклиф ва мулоҳазалар эса, нашрларнинг келгуси фаолиятида асқотиши, шубҳасиз. Муштарийларимиздан қимматли фикрларини бизга мунтазам йўллаб туришларини кутиб қоламиз.

И.БЎРИБОЕВ

Hamkorlik

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мустақиллик йилларида Халқаро тўқимачилик Академияси, Матбаачи олий ўқув юртлари Халқаро Ассоциацияси, Халқаро Ипак уюшмаси сингари бир қанча дунё миқёсидаги ташкилотларга аъзо бўлди.

Хорижий мамлакатлар билан алоқалар соҳасидаги Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТЕМПУС-ТАСИС дастури лойиҳасида қатнашган, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари АҚШ, Япония, Англия, Швеция, Германия, Бельгия, Греция каби қатор мамлакатларнинг нуфузли университетларида малакаларини ошириб келмоқдалар.

КАТТА МИҚДОРДА ГРАНТ

Профессор-ўқитувчиларнинг турли грантларни қўлга киритиши халқаро алоқаларимизни янада мустаҳкамламоқда. Жумладан, улар НАТОнинг «Фан тинчлик учун» йўналишидаги 200 минг долларлик гранти (проф.Ж.Н.Акбаров), информацион технологиялар бўйича Корея давлатининг Сан-Му университетининг 31500 АҚШ доллари миқдоридаги грант (аспирант Б.Усмонхўжаев)ларини эгаллашиб, хорижий мамлакатларнинг йирик ва нуфузли олий ўқув юртларида малака ошириб қайтдилар.

Яқинда яна бир халқаро ҳамкорларимиз — «Gerber»(АҚШ) ва «Glispin» (Англия) фирмалари 42750 доллар миқдоридаги кийим ва пойабзални автоматик лойиҳалаштиришга мўлжалланган янги ускуналарни институтимизга тақдим этдилар.

Шунингдек, Германиянинг «Saurer Czech» фирмаси институтимиз «Йигирув технологияси» кафедрасига 60000 доллар миқдоридаги «NSB-33» маркали пневмомеханик йигириш машинасини ўрнатди.

Бу халқаро алоқалар янги сармоялар олишга манбадир, демак, Республикамизнинг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари иқтисодий жиҳатдан ривожланади.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ, институт маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори

Obuna — 2005

ИЖОДКОРГА ИМКОНИЯТ

«Маърифат» мунтазам ўтказиб келаётган ойлик танловнинг октябрь ойи натижаларини эътиборингизга ҳавола этишдан аввал, Сиз муҳтарам муштарийларни яна бир янгиликдан воқиф этсак. Обуна мавсумида таълим нашрлари мутасаддилари вилоятларда ижодий сафарларда бўлиб, энг чекка ҳудудлардаги ижодкорлар ва мухлислар билан учрашувлар ташкил этаётганидан хабардор бўлсангиз, ажабмас. «Матбуот кунлари» доирасидаги мазкур тадбирлардан кўзланган асосий мақсад, муштарийлар талаби, хоҳиш-истаги ва таклифларини йиғиш, келгуси иш режасига киритиш. Фарғона водийсида ўтган ана шундай учрашувларда кўплаб «Маърифат» мухлислари газетанинг ойлик танловига «Энг яхши бир соатлик дарс ишланмаси» номинациясини ҳам киритиш таклифини бердилар. Ушбу таклиф таҳририят томонидан келгуси ойдан бошлаб амалга оширилишини мамнуният билан маълум қиламиз. Сиздан энг мукаммал дарс ишланмаларингизни кутиб қоламиз. Танловимизга киритилган бу ўзгариш ижодкор муаллим учун яна бир имконият бўлиб қолади.

Энди якунланган октябрь ойи ғолиблари билан танишинг:

«Ma’rifat» tanlovi

«Энг яхши саҳифа» номинациясида Билол Аминов «Талабанинг буюк кашфиёти нима?» (27.10.04) мавзусидаги материали билан ғолиб бўлди.

«Энг яхши мақола» сифатида Беҳзод Фазлиддиновнинг «Қайси қўшиқни ёқтирасиз?» номли мақоласи (9.10.04) эътироф этилди.

«Энг яхши интервью» номинациясида Ш.Аҳматов Олий Мажлиснинг қўмита раиси Н.Исмоиловдан олган «Икки палатали парламент: унинг моҳияти нимада?» мавзусидаги интервьюси учун ғолиб бўлди. (16.10.04)

Туркистон—пресс мухбири И.Эгамқулова «Лицейда жамоатчилик кафедраси» деб номланган материал билан «Энг яхши янгилик» номинациясида биринчи ўринни эгаллади (30.10.04).

Б.Ризоқуловнинг «Гўзалликка чорловчи нафосат байрами» номли мақолада эълон қилинган суратлари «Энг яхши фотолавҳа» деб топилди (6.10.04).

ЎзМУ талабаси М.Қутлиева «Ими...», «Жими...» сканвордлар» сарлавҳали мақоласи учун «Талабанинг энг яхши журналистик материали» номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Танлов давом этади. Унда Сизнинг ҳам иштирокингизни кутиб қоламиз.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

«Har bir fuqaro – saylovchi bir ovozga ega. Fuqarolar jinsi, irqiy va milliy mansubligi, tili, dinga munosabati, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqei, ma'lumoti, mashg'ulotining turi va xususiyatidan qat'i nazar teng saylov huquqiga egadirlar».

(Yangi tahrirdagi "O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga saylov to'g'risida"gi Qonunning 3-moddasidan)

Сайлов ва сайловчилар ҳуқуқини кафолатловчи тамойиллар ўттиздан зиёд халқаро ҳужжатларда ўз аксини топгани ҳолда, улар ҳар қандай сиёсий тузумда барча миллатлар ёки халқлар учун мос келадиган ягона меъёр бўла олмаслиги таъкидланади. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир мамлакат муайян ижтимоий, тарихий ва маданий шароитда ўз халқининг иродасини тўлиқ таъминлай оладиган ўзига хос ва мос бўлган миллий сайлов тизимини яратиш ҳуқуқига эга. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда ҳам айнан ушбу ҳақиқатдан келиб чиқиб, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасини ифодаловчи, уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини кафолатловчи миллий сайлов қонунчилиги яратилди. Бугун Ўзбекистон сайлов қонунчилигида ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Копенгаген ҳужжатида белгилаб берилган демократик сайловларни ўтказиш борасидаги еттита асосий талаби — универсаллик, тенглик, эркинлик, ҳалоллик, махфийлик, аниқлик ва ҳисобдорлик тамойиллари ўз ифодасини топган, деб баралла айта оламиз. Бу, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик миссиялар сиёсатчилари, халқаро ташкилотлар экспертлари, ривожланган мамлакатларнинг сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислари томонидан ҳам бир неча бор эътироф этилди.

Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилигидаги ижро ҳокимияти органларидан депутатликка номзодлар кўрсатишнинг бекор қилиниши, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишларини давлат бюджетидан молиявий таъминлаш, сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатишда хотинқизлар учун квота ажратиш, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловларда ўз номзодларини кўрсатиш билан иштирок этиши каби юридик янгилик ва тамойиллар халқаро талабларга жавоб бериши билан янада аҳамиятлидир. Чунки мазкур юридик янгилик ва тамойиллар мажоритар ва пропорционал тизимлар унсурларини уйғунлаштирган ўзига хос сайлов қонунчилигини намоён этади.

Ўзбекистонда кўппартиявийликни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилигининг амал қилиши сайловларнинг ошкоралигини таъминлабгина қолмасдан, сайлов кампаниясини ўтказишда ноқонуний технологиялардан фойдаланишга (яъни сайловчиларнинг эркин овоз беришига даҳл қилишга) қарши тўсиқ қўяди. Бу қонунчилик хорижий демократик давлатларнинг илғор тажрибаси ва миллий сайлов амалиётини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулосаларга асосланган учун ҳам халқаро ҳуқуқ тамойил ва меъёрларига тўлиқ мос келади. Сайлов демократиянинг асосий белгиларидан бири бўлиб, эксперт ва мутахассислар икки палатали парламентнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни шакллантиришда хорижий тажрибанинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлайдилар.

Бинобарин, икки палатали парламентнинг фаолият кўрсатиши мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётни, бошқарув тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришда амалий натижаларни бериши дунё тажрибасида ўз исботини топган. Демак, икки палатали парламентнинг ташкил топиши давлат ҳокимияти олий органларини демократиянинг халқаро меъёрларига мувофиқлаштиришда, ҳуқуқий демократик давлат қуришда муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги икки палатали парламент ва давлатнинг бошқа сайланадиган органларини шакллантиришнинг демократик ва ҳуқуқий асосларини яратади, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, кўппартияли тизимнинг шаклланишини ва фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишини кафолатлайди, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва сайлов маданиятини юксалтиради. Бу, ўз навбатида фуқароларнинг сайловга оид ўз ҳуқуқларига бурч сифатида қараш масъулиятини юзага келтиради.

Сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, партиялар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини яратиш ҳам демократиянинг ўзига хос жиҳатларидан саналади.

Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун кўппартияли тизим тўғрисидаги конституциявий қоидаларни рўёбга чиқариш шартларини белгилаб берди. Бу йил қабул қилинган сиёсий партияларни молиялаш тўғрисидаги қонун эса, уларнинг маблағлардан қонуний ва мақсадли фойдаланиши учун кафолат яратди. Табиийки, сиёсий партиялар сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилади, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга оширишда иштирок этади. Партияларнинг кўплиги бир мақсад йўлида фикрлар хилма-хиллигини юзага келтиради, фуқаролик ҳокимиятини қарор топтиришда унинг самарали ишлашини таъминлаш имконини беради. Бу ўз навбатида, партияларга жамият олдида катта масъулият юклайди. Ўзбекистонда ҳокимиятни янада демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Бу сайловолди жараёнларининг очиқлик, транспарентлик руҳида бораётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Сайлов қонунчилигида ҳуқуқ ва бурч мавзусида сўз юритганда фуқаролар ёки сайловчиларнинг мустақил номзод кўрсатиш ҳуқуқи тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Демократиянинг амалий кўриниши бўлмиш ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи андозаларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади. Шунингдек, миллий ижтимоий институт — маҳаллалар ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими манфаатларини кўзлайди. Мустақил номзодларнинг кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти, айниқса катта. Қонунчилик палатасига ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишнинг ушбу усули қўлланилганда, одатда, кенг жамоатчиликка яхши таниш, халқ ичидан чиққан ва элга яқин ҳамюртларимиз танланишига эришилади. Бу халқнинг чинакам вакилларини парламентга кўпроқ жалб этиш, ҳуқуқий давлатни қуришда жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш имкониятини беради. Мамлакатимизда кўплаб ана шундай халқ эътиборини қозонган, маҳаллий муаммоларни чуқур биладиган кишилар борки, улар бирор сиёсий тузилмалар таркибида иш олиб бормаслиги боис мазкур сиёсий жараёнларга жалб этилмай қолиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳаётнинг иқтисод, маънавият, илм-фан, ишлаб-чиқариш каби жабҳаларида намунали фаолият олиб бораётган ана шундай кишиларнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан жой олиши жамиятга фақат наф келтиради. Бу, партиялардан ташқари, жамиятнинг бошқа қатламларининг ҳам давлат бошқарувида иштирок этишга қонуний ҳаракат қилиши билан амалга ошади. Фуқаролар эса, ўз ҳудудидаги обрўли, таниқли ва ишончли вакилларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш ҳамда уларга овоз бериш орқали ўз ҳуқуқларидан фойдаланади. Номзодларнинг бундай тўғридан-тўғри сараланиб, танланиб, сайланиши уларнинг масъулиятини янада оширади, бевосита халққа таяниб иш кўришга, ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилишга ундайди. Парламентдан элнинг синовидан ўтган, юртпарвар, ҳалол, фидойи, ташаббускор, миллий манфаатларни юксак қадрлайдиган кишилар қанча кўп жой олса, яратилажак қонунлар шунча амалий аҳамият касб этиб бораверади. Сайлов жараёнларида демократик тамойилларга устуворлик беришни таъминловчи тузилмалар фаолиятини ҳам эътироф этиш керак.

Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг фаолият кўрсатиши ҳам ана шу эзгу ишларнинг рўёбига хизмат қилаяпти. Халқаро амалиётда янгилик бўлган ушбу марказ сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари, мустақил номзодлар, маҳаллий вакиллар манфаатлари нуқтаи назаридан ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловларда кўрсатиладиган мустақил номзодларнинг ҳуқуқларини амалга оширишида уларни доимий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сайловларни холис ўтказиш, фуқаролар, жамият ҳамда давлат манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозиргача кўп сайловлар ўтган бўлсада, бу галгиси ўша сайловлардан тубдан фарқ қилиши табиий. Чунки бу йилги сайловларда ҳокимият вакиллик идоралари депутатликка номзодлар кўрсатмайди. Бу сайловда соф рақобат муҳити учун имкониятларни янада кенгайтиради. Сайловолди жараёнларидаги фарқни депутатликка номзодларнинг савиясида ҳам кузатаётганимиз қувонарли, албатта. Аввалари депутатликка номзодлар сайловчилар билан учрашувларда кичик ижтимоий шарт-шароитларга оид ваъдаларни бериш билан чекланарди. Эндиликда сайловчиларнинг ишончини қозониш учун номзод келгусида мамлакат истиқболига хизмат қилувчи қонунлар яратишга қодир эканлигини, турмушимиздаги муаммоларнинг ижтимоий илдизларини кўра билишини ва уларга ечим топа олишини исботлаб бериши кераклигини тушуниб етмоқда. Қолаверса, у ўз соҳасининг етук мутахассиси, ҳалол, инсофли, диёнатли, имонли инсон сифатида ўзини намоён этиш масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилмоқда.

Умид қилиш мумкинки, икки палатали парламентнинг ташкил топиши давлат ҳокимиятини меъёрларга мувофиқ ишлашини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида яна бир муҳим қадам бўлади.

Фахриддин КАРИМОВ

Сайловга 46 кун қолди



Muloqot asnosida kutubxonachilarni pedagogik xodimlarga tenglashtirish, ya'ni, ularga birdek imtiyoz berish, har bir tuman markazida zamonaviy kitob do'konlari ochish, darsliklarning ochiq savdosini tashkil etish masalalari ham ko'tarildi.

ДАРСЛИКЛАР ЭҲТИЁЖ АСОСИДА ЖОЙЛАРГА ЕТКАЗИЛАДИ

фақат бунда жойларда дарсликлар билан ишлайдиган методистларнинг ҳисоб-китоби муҳим аҳамият касб этади

Илгари хабар берганимиздек, Тошкент вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказилган "Дарслик ва ўқув методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ҳамда улар билан эҳтиёж асосида ўқувчиларни таъминлаш муаммолари" мавзусидаги ўқув-семинари қизғин ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов Президентимизнинг таълимни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва фармойишлари, ҳукуматимиз қарорлари, шунингдек, амалий ишлар мазмун-моҳиятига тўхталар экан, мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, комьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг асосий йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган ҳар бир дарслик ўқувчининг миллий ғурурини, ақл-идрокини, умуминсоний туйғуларини тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга. Шу маънода вазирликда умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қатор чоралар кўрилмоқда. Жумладан, ўқув адабиётлари мазмунини янги таҳрирдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабларига кўра такомиллаштириш, уларнинг дизайни сифатини ошириш ва ўқув адабиётларни яратиш жараёнида рақобат муҳитини шакллантириш, ёш муаллифлар ва муаллифлар жамоаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида вазирлик дарсликларни танлов асосида яратиш амалиётини жорий қилди.

Танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий тамойиллари барча иштирокчилар учун тенг шароит яратиш, баҳолашда ошкоралик ва холислик, талабларнинг ягоналигидир. Танловда ўқув адабиётлари яратишда катта тажрибага эга муаллимлар билан бирга ёш илмий-педагогик кадрлар ҳам қатнашиши мумкин. Чунончи, 2004 йил 25 октябрда 6-7-синфлар учун бир қатор дарсликларни яратиш бўйича танлов эълон қилинди.

2001 йилдан бошлаб умумтаълим мактабларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ҳозирги вақтда 2-, 3-, 4-, 5- ва 9-синфлар ўқувчиларига баъзи дарсликларни ижарага олиш имконияти яратилган. 2005-2006 ўқув йилидан эса, 6-ва 7-синфлар ўқувчиларига ҳам шундай имконият бериш режалаштирилмоқда.

Вазирлик аввалги йиллардаги ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш билан боғлиқ барча масалалар ва камчиликларни муҳокама қилиб, ҳар бир мактабнинг дарсликларга бўлган эҳтиёжини батафсил ўрганмоқда. Ўрганиш асносида айни шу йўналишда қатор муаммолар ҳам борлиги аниқланди. Хусусан, муаллифлар, ношир ва таъминотчилар ўртасида ҳамжиҳатлик етишмаяпти. Айни пайтда ижара китоблари маблағларини йиғишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг дарсликлар билан ишлаётган мутасадди ходимлари, мактаб раҳбарлари, эҳтиёж ва буюртма моҳиятини ҳалиям тўла тушуниб, англаб етмаяптилар. Айниқса, бу йўналишда Бухоро, Тошкент вилоятлари мутасаддиларининг ўз вазифасига ёндошиши қониқарли даражада эмаслигини қайд этиш жоиз. Оқибатда ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда номутаносибликларга дуч келиняпти.

Хўш, бу муаммолар қай тарзда бартараф этилади? Дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар барқарорлиги қандай таъминланади? 2005-2006 ўқув йили учун дарсликларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва нашр режасини шакллантиришда нималарга жиддий эътибор бериляпти? Ўқув-семинарда сўзга чиққан Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Йўлдош Асадов, республика Таълим маркази директори Ислом Зокиров, ХТВ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими бошлиғи Абдурашид Авлиёқуловлар ушбу саволлар хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Шунингдек, ўқув-семинарда Осиё Ривожланиш Банки вакили Бобур Ғафуров, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот Агентлигининг бошқарма бошлиғи Ўткир Зокиров, "Шарқ" нашриёт-матбаа акционерлик компанияси бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов, "Ўзкитобсавдо" давлат акционерлик компанияси директори муовини Ҳусан Соибов, ХТВ "Ўқув-таълим-таъминот" бош бошқармаси бошлиғи Исматулла Султоновларнинг янги ўқув йилида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга қандай ҳисса қўшажаклари тўғрисидаги режа ва ҳисоботлари тингланди.

Дарвоқе, ўқув-семинарда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг методика маркази методисти Дилором Юсупованинг "Умумтаълим мактаблари кутубхоналари иш фаолияти самарадорлигини ошириш" мавзуидаги чиқиши ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Гап шундаки, шаҳарда мактаб кутубхоналари жамғармасини тузиш, ўқитувчи ва ўқувчиларга хизмат кўрсатиш, китобхонлар билан якка тартибда ишлаш ва оммавий тарзда иш олиб бориш борасида ижобий тажриба тўпланган. Масалан, ўтган ўқув йилида шаҳардаги барча таълим муассасаларида "Мактаб—кутубхона—оила—жамоатчилик ташкилотлари" хайрия тадбирлари ўтказилди. Натижада мактаб кутубхоналарига 40163 дона китоб жамланди. Шу кунларда мактаб кутубхоналари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг ўқув жараёнидаги илмий-методик салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида шаҳарнинг 11 та туманида биттадан кутубхонани ахборот-ресурс марказига айлантириш чоралари кўрилмоқда. Ҳозирда Юнусобод туманидаги 97-мактабда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази ўғил-қизларнинг, ўқитувчиларнинг севимли марказига айланиб бораяпти. Чунончи, ўқитувчилар айни кунларда марказдаги барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Айниқса, Интернет тизими ўқитувчиларга дарсликдан ташқари қўшимча маълумот олишда асқотаяпти. Бу эса, ўқитишнинг сифатини оширишга хизмат қилаяпти.

Qaror va ijro

Ўқувчиларга марказдаги Интернет тизими, компьютер, аудио-видеотехникаларидан фойдаланиш, ўзлари учун қизиқарли ва керакли бўлган маълумотни олишга имкон яратилган. Ўқувчилар эрталабдан кечга қадар тайёрланишлари учун олимпиада, танлов ва тадбирларга қўшимча кутубхона қўл келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз...

Ўқув-семинар иши жараёнида мавжуд синф журналларида камчиликлар учраётгани, яъни унда варақларнинг айрим фанлар учун етмай қолаётгани, ўзбек ёзувига асосланган лотин алифбосида бадиий адабиётлар кам чоп этилаётгани асосий муаммолар сифатида тилга олинди. Мулоқот асносида кутубхоначиларни педагогик ходимларга тенглаштириш, яъни, уларга бирдек имтиёз бериш, ҳар бир туман марказида замонавий китоб дўконлари очиш, дарсликларнинг очиқ савдосини ташкил этиш масалалари ҳам кўтарилди. Ўқув-семинарда бу каби масалалар ечими топилишига ишонч билдирилди. Энг муҳими, жараёнда мавжуд салоҳият ва имкониятлардан фойдаланиш, шу билан бирга ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида иш юритиш кўзланган натижаларга эришишда асосий омил вазифасини ўташи алоҳида таъкидланди. Ўқув-семинар якунида таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди, ўртага ташланган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Ma'rifat"нинг
махсус мухбири

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

Наманган вилоятида мактабларнинг ҳар бирида камида 3000 тупдан терак қаламчалари ерга қадалмоқда

Уйимиздан икки чақирим нарида бир мактаб жойлашган. Икки ҳафта аввал йўлим тушиб, унинг ёнидан ўтиб қолдим. Қарасам, мактаб ҳовлисида иш қизғин. Ўн беш-йигирматача одам бор. Ярми ер чопса, қолганлари жўяк оляпти. Ҳовлига кириб, уларга яқинлашдим.

— Э, ҳормanглар! Буғдой экишми, дейман? — уларнинг мақсадларига қизиқиб сўрадим.

— Мана шу ер фойдаланилмай ётганди. Энди унга терак қаламчасини қадаяпмиз. Яхши парваришласак, тўрт-беш йилда тайёр қурилиш материалига айланади, — дейди Поп туманидаги 64-мактаб директори Раҳимжон Мирҳамидов. — Бу ташаббус вилоятимиз халқ таълими бошқармасидан чиқди. Ҳозир қайсики мактабга борманг, шунга гувоҳ бўласиз. Ҳар бир мактабда камида 3 минг дона терак қаламчасини қадаш белгиланган.

Бу гапни эшитиб кўнглим тоғдек кўтарилди. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Эртаиндин мактаб томи шифер қилингудек бўлса, ортиқча харажатга ўрин қолмайди. Фақат шифер сотиб олинса, бас. Ёки бошқа бирон ишга ёғоч зарур бўлиб қолар. Жуда бўлмаса ёғочни сотишдан тушган маблағ ўқиш-ўқитиш ишларини ривожлантиришга сарфланиши мумкин. Хуллас, кони фойда.

Наманган вилоят халқ таълими бошқармасида бўлганимда ана шу ишнинг натижалари билан ҳам қизиқдим.

— Бугунгача вилоятимиз мактабларида 1,5 миллион донадан ортиқ терак қаламчалари ерга қадалди. Қувонарли томони шундаки, бу ўша муассасага қўшимча даромад келтириш билан бирга ҳовлисининг ободонлашиши, ҳавосининг тозаланиши, ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришга ва ердан унумли фойдаланиш ҳиссини туйишларига ҳам хизмат қилади,- дейди бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Икромжон Жўраев.

Терак қаламчаларини қадаш бамисоли беллашувга айланиб кетди. Наманган шаҳридаги 44-мактаб 50 минг дона, Тўрақўрғон туманидаги 24-мактаб 15 минг дона, Мингбулоқ туманидаги 11-мактаб 13 минг донадан терак қаламчалари қадаб, бу борада бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Ma'rifat"мухбири

БУНЁДКОР ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Яқинда Юнусобод туманидаги Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб «Бунёдкор ёшлар» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

— Бу тадбирда ўқувчиларимиз «Адолат», «Заковат», «Меҳр-мурувват», «Дўстлик», «Ватанпарвар» гуруҳларига бўлиниб, Конституция моддаларини шарҳладилар. Қонунбузарлик, лоқайдлик, терроризм ҳақидаги билимларини синадилар, — дейди семинар-тренинг тренери, 273-мактаб ўқитувчиси Лола Болтаева. — Ўзбек-Япон халқаро ривожланиш маркази томонидан ўтказилган «Оригами» дарслари, Щоко Фукуда хонимнинг мулоҳазалари ҳам кўпчилик эътиборини тортди.

Семинар-тренингда ўқитувчи ҳавола этган вазият қатнашчилар томонидан муҳокама қилинди. Тадбир сўнгида касб-ҳунарга йўналтирилган тест синови ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Hay'at yig'ilishida

MAKTABGACHA TA'LIM

unining farzand kamolidagi ўrni juda muҳim

Bola tarbiyasida vaқtning aҳamiyati katta. Eътibor berган bўlsangiz, sekin-asta tetapoя қilib, tili chiқaётgan gўdakning eng kўp aytadigan sўzi "Bu nima?", "Nima uchun?" savoli bўladi. Ўқigan ёki eshitgansiz: 3 oylik chaқaloқni donishmand tarbiyasiga olib borgan ota-ona 3 oy kechiккan chiқadi. Bu bezhiz emas, albatta. Zero, ёsh bola tabiatida dunёni ўrganishga bўlgan istak kuchli. Mutaҳassislarning fikricha, insон umri davomida ўrganadigan salkam 50 foiz bilimni 7-8 ёshgacha bўlgan davrda egallar ekan. Donishmandlarning "Ёshlikda olinган bilim toshga bitilgan naқsh kabidir" degan ibratomuz naқli ҳam shundan bўlsa, ajab emas. Ayni yuқoridagi taъkid farzand taʼlim-tarbiyasi, kamolida maktabgacha taʼlimning aҳamiyati nechoғlik eқanligidan dalolat.

Ўzbekiston Respublikasi Halқ taʼlimi vazirligining bu galgi ҳayъat majlisida maktabgacha taʼlim ёshidagi bolalar taʼlim-tarbiyasiga qўyiladigan Davlat talablari asosida bolalarni maktabga tayёrlashning sifat va samaradorligini oshiriш yuzasidan olib borilaётgan ishlarning aҳvoliga eътibor қaratilishi ҳam taʼlimning ayni tizimiga bўlgan eътiborning yana bir namunasidir.

Хўsh, bugungi kunda maktabgacha taʼlim muassasalarida tarbiyalanuvchilarning zamon talablari darajasida taʼlim-tarbiya olishlari uchun қandaй sharoitlar yaratilgan-u, ayni imkoniyatdan tarbiyalanuvchilar қay darajada foydalanmoқda?

Ushbu savollarga "Uchinchi mingyillikning bolasi" Davlat dasturini ҳaётga tatbiқ etishda Toshkent viloyati taʼlim boshқaruvi idoralari va muassasalari jamoalari tomonidan amalga oshirilaётgan ishlar, mavjud kamchiliklar va ularni bartaraf etish yўllari taҳlili asosida umumiy javob izlandi.

Vazirlikning 2004 yilgi ish rejasiga asosan Maktabgacha taʼlim bўlimi va ishchi guruҳi tomonidan Toshkent viloyati halқ taʼlimi boshқarmasi, Chinoz, Bўstonliқ, Quyi Chirchiқ, Bekobod, Toshkent tumanlari halқ taʼlimi bўlimlari va ularning tasarrufidagi maktabgacha taʼlim muassasalari faoliyati ўrganildi. Taҳlillar shuni kўrsatadiki, viloyat bўyicha ҳozirgi kunda 551 ta maktabgacha taʼlim muassasasi mavjud. Ularning 50 tasi turli korxona va tashkilotlar tasarrufidadir. Toshkent viloyatida mavjud 1,5 ёshdan 7 ёshgacha bolalar soni 222041 nafarni tashkil etgani ҳolda, ularning 45247 nafari maktabgacha taʼlim muassasalariga қamrab olinган. Bu, maktabgacha taʼlim ёshidagi umumiy bolalar sonining 20,4 foizini tashkil etadi. Maktabgacha ёshdagi bolalarni taʼlim muassasalariga қamrab olish kўrsatkichi aynisa, Yuқori Chirchiқ, Oҳangaron, Bekobod, Oққўrғon, Bўka, Piskent va Parkent tumanlarida eng past darajada bўlib, bu, maktabgacha ёshdagi bolalarning bor-yўғi 5—11 foizgina taʼlim muassasalariga қamrab olinganligini kўrsatadi. Bunining asosiy sabablaridan biri taʼlim muassasalaridagi kadrlar salohiyati bilan boғliқ. Viloyatdagi maktabgacha taʼlim muassasalarida faoliyat kўrsataётgan kadrlarning sifat kўrsatkichi қuyidagicha: viloyat taʼlim muassasalarida jami 5313 nafar pedagog xodim faoliyat kўrsataётgan bўlib, ularning atigi 347 nafari, yani 6,1 foizigina oliy maʼlumotli bўlsa, jami murabbiylarning 92 foizi ўrta maxsus, 1 foizi esa, tugallanmagan oliy va ўrta maʼlumotli mutaҳassislardir.

Taʼlim muassasalaridagi kўpgina pedagog xodimlar nomutaҳassis bўlganligi, tarbiyachilarning ўz vaқtida malakasini oshiriш ishlari yўlga қўyilmaganligi taʼlim-tarbiya jaraёni sifatining tushib ketishiga sabab bўlmoқda. Shuni taъkidlash lozimki, maktabgacha taʼlim muassasalari uslubchisi, psixologi, logoped, musiқa raҳbari kabi toifalar bўyicha ҳam yillar davomida malaka oshiriш rejasi bajarilmagan. Shunga қaramay, viloyat maktabgacha taʼlim muassasalari xodimlari tomonidan ayrim ijobiy ishlar ҳam amalga oshirilgan. Yani, 2003 yilda "Bolalarni maktabga tayёrlashning ilғor usullari va ularni amalga tatbiқ etish" mavzusidagi respublika amalий seminari Zangiota tumani va Angren shaҳrida ўtkazilgan. 2004 yilning yanvar oyida esa, ushbu mavzudagi seminar Toshkent va Қibray tumanlarida viloyat miқyosida tashkil etilgan.

Viloyat halқ taʼlimi boshқarmasining yillik ish rejasiga asosan, joriy yilning may oyida boshқarma ҳayъat majlisida Chinoz, Yangiyўl tumanlari halқ taʼlimi bўlimlari va maktabgacha taʼlim muassasalarida bolalarning taʼlim-tarbiyasiga қўyiladigan davlat talablari ҳamda "Uchinchi mingyillikning bolasi" dasturini joriy etishning kompleks tadbirlarini amalga oshiriш ҳolati yuzaєidan ҳayъat қarori қabul қilindi. Unga kўra, viloyat maktabgacha taʼlim muassasalari taʼlim mazmunini isloҳ etish, yangi pedagogik texnologiyalarni taʼlim mazmunига joriy etish maқsadida viloyat pedagog xodimlarini қayta tayёrlash va malakasini oshiriш instituti tomonidan Bўstonliқ, Chinoz, Toshkent, Bekobod, Quyi Chirchiқ tumanlarida seminar-treninglar, davra suҳbatlari ўtkazilgan. 20 dan ortiқ uslubiy tavsiyalar nashr etilib, joylarga etkazilgan.

Chinoz tumanidagi 1, 14, 2, Quyi Chirchiқ tumanidagi 8 ҳamda 10, Toshkent tumanidagi 8, 9, 16, 17, 18, 19, Bўstonliқ tumanidagi bir қator maktabgacha taʼlim muassasalarida olib borilaётgan taʼlim-tarbiya ishlari ota-onalar xoҳishi va bolalarning қiziқishlariga kўra tabaқalashtirilib, soғlomlashtiriш, chet tilini ўrgatish, ekologik, iқtisodiy, sanъat, sport va boshқa yўnalishlarda olib borilmoқda. Ushbu muassasalarda maktabgacha ёshdagi bolalar taʼlim-tarbiyasiga қўyiladigan davlat talablaridan kelib chiқib, bolalarning jismoniy rivojlaniши, ijodiy қobiliyati, dunёқarashini ўstiruvchi, mustaқil fikrlash қobiliyatlarini rivojlantirishga қaratilgan amalий mashғulotlar ўtkazilishiga sharoit yaratilgan. Shuni taъkidlash lozimki, faoliyati ўrganilgan tumanlardagi barcha maktabgacha taʼlim muassasalari "Uchinchi mingyillikning bolasi" tayanch dasturi va қўllanmasi bilan tўliқ taʼminlanган.

Ammo shunga қaramay, tarbiyachilar tomonidan mashғulotlarning tashkil etilishida yўl қўyilgan xato va kamchiliklar bois, maktabgacha taʼlim ёshidagi bolalar taʼlim-tarbiyasiga қўyiladigan davlat talablari va "Uchinchi mingyillikning bolasi" tayanch dasturini ўzlashtiriш darajasi past natija kўrsatmoқda. Tarbiyalanuvchilardan olinган test savollari orқali kўrsatilgan natijalar asosida ushbu xulosaga kelindi. Misol uchun, faolияти ўrganilgan maktabgacha taʼlim muassasalari tarbiyalanuvchilarining ўrtacha bilim darajalari 70-75 foizni tashkil etgan. Bunda asosan, bolalarning teverak-atrof, tabiat ҳodisalari, jonli va jonsiz tabiat ҳaқidagi bilimlari, nutқlarining rivojlaniш darajalarini aniқlash maқsadida davlat ramzlari, ҳafta kunlarini ketma-ket sanab beriш, yil fasllari, oylarga taъriф beriш kabi bola ёshi va psixologiyasiga mos savollar berildi. Bolalarning ilk matematik tasavvurlari, mantiқiy fikrlash қobiliyatlari ўzига xos ўsinda sinalganda 200 nafar boladan 142 nafari, yani, 71 foiz tarbiyalanuvchi tўғri javob bera olgan.

Taъkidlash kerakki, 2003 yilning may oyida Vazirlikning monitoring bўlimi tomonidan ўtkazilgan Toshkent viloyati maktabgacha taʼlim muassasalari tarbiyalanuvchilarining davlat talablarini matematik tasavvurlar bўyicha ўzlashtirishlari monitoringi ўtkazilganda, uning natijalari bugungidan ҳam past natijani kўrsatgan edi. Yani, 191 nafar tarbiyalanuvchidan atigi 27 nafari berilgan savollarga 100 foiz javob berган bўlsa, ishtirokchilarning 45 foizi savollarning 80 foizini tўғri bajarган. Қolgan tarbiyalanuvchilar esa, 70 foizdan past natija kўrsatgan. Shundan sўng tuman halқ taʼlimi bўlimlariga monitoring natijalari asosida davlat talablariga oid testlarni ўtkazish va natijalarini taҳlil қilish texnologiyasi bўyicha amalий ёrdam kўrsatilganligiga қaramasdan 2004 yilda bu taҳlilий ishlar bajarilmagan. Shuningdek, viloyatdagi taʼlim muassasalarida uslubiy ishlarni tashkil etish, tarbiyachilarga metodik ёrdam beriш va nazorat қilish sifatiga ҳam u қadar eътibor қaratilmagan. Metodika markazining axborot-taҳlil faoliyatlari ҳam қoniқarsiz darajada. Yani, shaҳar va tuman maktabgacha taʼlim muassasalarida uslubiy va taʼlimiy ishlar aҳvoli chuқur taҳlil қilinmagan. Ularni takomillashtiriш yўnalishlari belgilanmagan. Bundan tashқari taʼlim muassasalarida taʼlim-tarbiya jaraёni ҳaқidagi maʼlumotlarni yiғish va ularni taҳlil қilish tizimi yaratilmagan. Maktabgacha taʼlim muassasalarига bolalarni қamrab olish kўrsatkichi yildan yilga kamayib ketaётganiga қaramay, viloyatda noanъanavий taʼlim muassasalarini tashkil etish sust amalga oshirilmoқda. Bu қuyidagi raқamlarda ҳam kўrinadi. 2004—2005 ўқuv yilida viloyat maktablarига ўқuvchilarning birinchi sinfga қabul rejasi 50172 nafar bolani tashkil etgan ҳolda, ularning 31084 nafari maktablarda, 7500 nafari maktabgacha taʼlim muassasalarida, 430 nafari қisқa muddatli guruҳlarda, 734 nafari savodxonlik marқazlarida maktablarga tayёrlangan. Bu rejaga nisbatan 79 foizni tashkil etadi. Ayni kўrsatkich Chinoz tumanida bor-yўғi 19 foizni tashkil etsa, Bўstonliқ, Quyi Chirchiқ, Bekobod, Toshkent tumanlarida faқatgina maktabgacha taʼlim muassasalariga қamrab olinган bolalar bilangina maktabga tayёrlov mashғulotlari olib borilgan. Natijada viloyatdagi maktablarning 1-sinflariga borган ўқuvchilarning 21 foizi maktab taʼlimiga tayёrgarliksiz қabul қilinган.

Taʼlim muassasalaridagi kўpgina pedagog xodimlarning nomutaҳassisligi, tarbiyachilarning ўz vaқtida malakasini oshiriш tizimi yўlga қўyilmaganligi, taʼlim-tarbiya jaraёni sifatining pasayib ketishiga sabab bўlmoқda. Masalan, mutaҳassislar tomonidan viloyatdagi bir neча taʼlim muassasalaridagi mashғulotlar kuzatilganda tarbiyachilar қuyidagi kamchiliқlarga yўl қўyishgan. Bўstonliқ tumanidagi 14- maktabgacha taʼlim muassasasining tayёrlov guruҳida nutқ ўstiriш mashғuloti tўғri rejalashtirilgan. Ammo mashғulotning ikkinchi қismiga ҳech қandaй mavzular olinmagan. Shuningdek, 15-maktabgacha taʼlim muassasasida katta guruҳ bilan olib borilgan matematika mashғuloti kuzatilganda, tarbiyachi tomonidan mashғulot maқsadi bolalarga tўliқ etkazib berilmadi. Bunining natijasida bolalar tarbiyachi tomonidan berilgan bilimlarning atigi 10 foizini ўzlashtirdilar, holos. Shuningdek, ayrim maktabgacha taʼlim muassasalarining tarbiyachilarida ҳatto oylik, kundalik ish rejalari yўқ. Tarbiyachilar ўzlari xoҳlagan mashғulotlarni ўtkazmoқdalar. Ўtkazgan mashғulotlari esa, talabga javob bermaydi.

2004 yilning 9 oyi mobaynida viloyat miқyosida tarbiyachilarning malaka oshiriш rejalari soni jiҳatdan 100 foizga bajarilgan bўlsada, tarbiyachilar savиyasining bu darajada pastligi, viloyat pedagoglarini қayta tayёrlash va malakasini oshiriш institutining maktabgacha va boshlanғich taʼlim kafedrasi ўқitish rejalarini ҳamda maърuzachilar tarқibi sifatini қayta kўrib chiқishni taқozo қilmoқda. Bundan tashқari, davlatimiz tomonidan bolalar sportini rivojlantirishga eътibor kuchaytirilgan bir paytda muassasalarda dasturning jismoniy tarbiya bўlimining bajarilishiga panja orasidan қaralmoқda. Joylarda bolalarning sport bilan shuғullanishlari, soғlomlashtiriш, chiniқtiriш, ularning jismonan rivojlanishlari uchun zamin yaratilmagan. Mazkur kamchiliklar tuman halқ taʼlimi bўlimlari tomonidan bolalarni maktabga tayёrlashda "Maktabgacha ёshdagi bolalar taʼlim-tarbiyasiga қўyiladigan davlat talablari"ning bajarilishini taʼminlash nazoratining etarli darajada yўlga қўyilmaganligidan dalolat bermoқda.

Joylardagi uslubiy ishlar sifati pastligining asosiy sabablaridan yana biri — viloyat halқ taʼlimi boshқarmasi maktabgacha taʼlim bўlimi mutaҳassislarining қunimsizligidadir. Yani, 2004 yil davomida maktabgacha taʼlim bўlimi boshlig'i lavozimida 4 nafar mutaҳassis almashdi. Ayni kunda esa, bўlimda nomutaҳassis kadrlar ish yuritmoқda.

Yuқoridagilarni inobatga olib, Halқ taʼlimi vazirligi ҳayъat majlisi қaror қabul қildi. Unga kўra, yўl қўyilgan kamchiliklarni tezliқda tuzatish, ishga sovuққonlik bilan қaragan masъul xodimlarga nisbatan tegishli chora kўriш, maktabgacha taʼlim tizimini takomillashtiriш, ilғor pedagogik texnologiyalarni joriy etish, maktabgacha ёshdagi bolalarni maktab taʼlimiga tayёrlash samaradorligini oshiriш borasida aniқ ish rejalarini tuzish belgilandi.

MUXBIRIMIZ

**Dedi: — Ibodatim bo‘lsa ham uvol,
Faqat saodat ber o‘sha bolamga.**

OILA — MUQADDAS DARGOH

O‘quvchilarga yangi pedagogik texnologiyalar asosida dars berilgandagina ular chuqur bilimga ega bo‘lishlari mumkin va shunda ularning faolligi bir qadar oshadi. Sizlarga havola qilinayotgan 9-sinf o‘quv-rejasiga muvofiq “Milliy istiqlol g‘oyasi va ma’naviyat asoslari” fanidan o‘tiladigan “Oila — muqaddas dargoh” mavzusi yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanilgan holda kichik guruhlarda ishlashga asoslangan. Bunday darslarni o‘tish uchun o‘qituvchida birmuncha tayyorgarlik bo‘lishi kerak. Avvalambor o‘quvchilar bilan darsda ishlash qoidalari tushuntirilishi lozim va bu qoidalar vatman qog‘ozga katta qilib yozilib, doskaga osib qo‘yilishi kerak. Bular quyidagilardan iborat: tartib, barchaga hurmat, eshitish va tinglashni bilish, bilganini uyalmasdan bayon etish, qo‘llab-quvvatlash, tushunish, hazil, qo‘l ko‘tarish qoidasiga amal qilish, o‘zaro baholash. So‘ngra yana bir qog‘ozda darsning bosqichlari yozilib, u ham osib qo‘yiladi. Masalan, dars bosqichlari:

1. **Chaqiruv** (10 daqiqa) — Bu bosqichda o‘qib chiqilgan uyga vazifa so‘raladi va ular yangi mavzu orqali mustahkamlanadi. O‘qituvchi yangi mavzu yuzasidan savollar bilan o‘quvchilarga murojaat qiladi, ya’ni o‘quvchilarni shu mavzuni tushunishga tayyorlaydi.

2. **Anglash** (20 daqiqa) a) savollar bo‘yicha fikrlash (10 daqiqa; b) taqdimot (2 daqiqa).

Ushbu bosqichlarda o‘quvchilar kichik guruhlarda ishlab, yangi mavzuni mustaqil o‘rganadilar, fikrlaydilar, qog‘ozga yozadilar. Belgilangan vaqt tamom bo‘lgach, har bir guruh nomidan bir o‘quvchi taqdimot uchun doskaga chiqadi. U guruhning fikrlarini bayon qiladi. Taqdimot uchun har bir guruhdan o‘quvchi chiqadi. Ulgurish uchun ishlash reglamentiga rioya qilish kerak.

3. **Fikrlash bosqichi** (5 daqiqa) — Bu bosqichda o‘quvchilar eshitganlari, o‘qiganlari yuzasidan qandaydir kichik yozma ish (esse, sinkveyn) yozadilar.

(Yuqorida darsning bosqichlari uchun ajratilgan vaqt o‘qituvchining xohishiga ko‘ra o‘zgartirilishi mumkin).

Har bir guruh o‘z fikrini qog‘ozga yozadi, shuning uchun guruhlarga qog‘ozlar (iloji bo‘lsa yarim vatman) tayyorlab qo‘yish lozim.

Fikrlash bosqichida yoziladigan hikoya yoki sinkveynning yozilish tartibi ham qog‘ozga yozib, osib qo‘yiladi. Xususan, hikoyada o‘quvchining mavzu haqidagi fikrlari kichik matn shaklida yoritilishi kerak. Sinkveyn — besh qatorlik she’r. Fikrlash bosqichida undan foydalanayotgan o‘quvchilar quyidagilarni bilishlari shart:

Birinchi qator — bitta so‘zdan iborat bo‘ladi — ot.

Ikkinchi qator — ikkita so‘zdan iborat bo‘ladi — sifatlar.

Uchinchi qator — uchta so‘zdan iborat bo‘ladi — fe’llar.

To‘rtinchi qator — to‘rtta so‘zdan iborat bo‘ladi — sizning shu mavzuga munosabatingiz.

Beshinchi qator — bitta so‘z — birinchi qatordagi so‘zning sinonimi.

Yuqorida aytilganlarning barchasi darsga tayyorgarlik bosqichidir. Dars yangi pedagogik texnologiyalar asosiga qurilgan holda kichik guruhlarda ishlashga mo‘ljallanadi. Guruhlarda o‘quvchilarning soni ko‘pi bilan 6—8 nafar bo‘lsa maqsadga muvofiqdir. Bunday guruhlarda o‘quvchilar o‘z fikrlarini o‘rtoqlari oldida uyalmasdan ayta oladi, hattoki eng bo‘sh o‘quvchi ham darsda faol qatnashishi mumkin. Bunday darslarning ijobiy tomoni shundaki, o‘quvchilar mustaqil fikrlashga o‘rganadi. Ularning og‘zaki nutqi rivojlanadi. O‘qituvchi endi avvalgidek ko‘p gapirmaydi, balki bolaning o‘zi mavzuni mustaqil o‘rganib, o‘z fikrlarini bayon qiladi. Darsda o‘qituvchi o‘quvchini rag‘batlantira olishi, agar u xato aytsa ham unga qattiq gapirmasligi kerak. Shundagina darslar qiziqarli, sermazmun chiqadi.

Darsning maqsadi: – Oila, uning muqaddasligi haqida tushunchaga ega bo‘lish, yaxshi va yomon oilalarning o‘ziga xos ijobiy va salbiy tomonlarini ajrata olish, oila — tarbiya maskani ekanligini anglash, kichik guruhlarda ishlash ko‘nikmalarini rivojlantirish, o‘quvchining og‘zaki nutqini o‘stirish.

Darsning jihozlanishi – savollar yozilgan kartochkalar, guruhlar uchun oq qog‘ozlar, sinkveynni yozish usuli ko‘rsatilgan vatman.

O‘qituvchi salomlashib bo‘lgach, sinfni 4 guruhga bo‘ladi.

Chaqiruv bosqichi

O‘qituvchi:

— Aziz o‘quvchilar! Mustaqil O‘zbekistonimizda oila, uning muqaddasligi juda qadrlanadi. Oilaning asosi ota va onadir. Ular biz uchun hattoki jonidan ham kechmoqqa tayyordirlar. Buning isboti sifatida sizga sevimli shoirimiz A.Oripovning “Farzand” she’rini o‘qib bermoqchiman.

**Bir kuni ranjitdi otani farzand,
Ota o‘z uyidan bosh olib ketdi.
Lekin Alloh mehri
bo‘lib sarbaland,
Ota Makkatulloh vasliga yetdi.
Ota fig‘on chekar Ka’ba qoshida,
Go‘yo unut bo‘lgay alamlar bari.
Najot charx ursa ham
garchand boshida,
Sira ketolmadi bir gapdan nari,
Ka’baga sig‘inar ekan
keksa chol,
Armonin oshkora aytdi olamga.
Dedi: — Ibodatim
bo‘lsa ham uvol,
Faqat saodat ber o‘sha bolamga.**

Mening nazarimda, oila bu ota va ona, farzandlar, ularning tinch-totuv hayotidir. Siz “oila” deganda nimani tushunasiz? Unga ta’rif bera olasizmi?

Har bir qo‘l ko‘targan o‘quvchidan fikr so‘raladi. O‘quvchilarning fikrlari esa turlichadir.

1-o‘quvchi: — Oila har bir xalqning, millatning davomiyligini saqlaydigan, qadriyatlarimiz rivojini ta’minlaydigan, yangi avlodni dunyoga keltirib, ma’naviy va jismoniy barkamol qilib tarbiyalaydigan, jamiyatimizning asosiy negizi hisoblangan muqaddas dargohdir.

2-o‘quvchi: — Oilaning farovon bo‘lishi, tinch-totuv yashashi jamiyatimizning gullab-yashnashiga zamin yaratadi, aksincha holatda esa ular jamiyat inqirozini keltirib chiqarishi mumkin.

3-o‘quvchi: — Faqat oiladagina inson to‘laqonli umr kechiradi, o‘zining kimgadir kerakligini his qilib yashaydi, ular oldidagi burchlarini anglaydi.

4-o‘quvchi: — Mamlakatimizda oilalarning gullab-yashnashi, jamiyat rivojiga ijobiy ta’sir etishini ta’minlash maqsadida hukumat miqyosidagi hujjatlar qabul qilingan. Biz bilamizki, “Oila Kodeksi”da ota-ona, farzandlarning bir-birlari oldidagi huquq, burch, majburiyatlari o‘zining mukammal aksini topgan...

O‘qituvchi:

Sinab ko‘ring

— Juda to‘g‘ri, oila deb insonlarga xos tabiiy – biologik , iqtisodiy – mulkiy , huquqiy va ma’naviy jihatdan birikib yashashiga ijtimoiy birlik , yani oila deyiladi.

Mamlakatimizda oila va uning muqaddasligini ta’minlash bilan bog‘liq masalalar davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. 1998 yil- Oila yili, 1999 yil – Ayollar yili, 2000 yil – Sog‘lom avlod yili, 2001 yil – Onalar va bolalar yili, deb e’lon qilindi. Birinchi chaqiriq Oliy Majlisning XI sessiyasida “Oila Kodeksi “ qabul qilindi.Oila har bir xalq , har bir millat uchun o‘ziga xos xarakterli xususiyatlarga ega. Sharqda oila muqaddas hisoblanadi va ko‘p bo‘g‘inlidir. Ayniqsa , o‘zbek oilalari ko‘p bog‘inli bo‘lib , qaynota, qaynona , o‘g‘il va kelin, uka va qaynisingillar, opa , nevara birga yashashadi yoki ota - ona , bolalardan iborat oilalar ko‘p.

Anglash bosqichi:

Sizlar bilan oilalarning muqaddasligi haqida fikrlashdik. Hozir har bir guruh uchun savollar tarqatiladi.

(Savollar kartochkalarda yozilgan bo‘lishi kerak).

Savollarga guruhlar tomonidan batafsil javoblar berilgach, mavzu umumlashtiriladi.

Fikrlash:

Darsning bu bosqichida guruhlar bilganlari, eshitganlari yuzasidan sinkveyn yozadilar.

Har bir guruh yoki o‘quvchining o‘zi oila haqida sinkveyn yozishga harakat qiladi. So‘ng o‘qib berishligi mumkin. Yozish uchun 5 daqiqa vaqt ajratiladi.

Sinkveynga misol:

Oilam!
Muqaddassan, mustahkamsan.
Tarbiyalaysan, o‘stirasan, ulg‘aytirasan.
Men seni doimo qadrlayman,
Vatanim!

Darsning so‘ngida faol qatnashgan o‘quvchilar baholanadi. O‘quvchilarni baholashda faol ishtirok etgan har bir bolani nazardan qochirmaslik kerak va iloji boricha yaxshi baho qo‘yishga harakat qilish lozim.

Uyga vazifa: 10-§. “Oila — muqaddas dargoh” mavzusini o‘qish, savollarga yozma javob. “Oilam – g‘ururim” mavzusida esse yozish (qisqa hikoya).

**Gulchehra BARATOVA,
Toshkent shahar Chilonzor tumanidagi
173-maktabning “Milliy istiqlol g‘oyasi
va ma’naviyat asoslari” fani
o‘qituvchisi**

НАЗОРАТ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўқув жараёнига ҳар томонлама таъсир қилувчи фактор назорат. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиш ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. У қандай ишлаш мазмунини ҳам белгилаб беради. Демак, ўқувчиларнинг қай даражада ўз устида ишлаши ўқитувчи назорати давомида уларга қўядиган талабларга боғлиқ экан.

Мактабда ўқувчининг математика фанини Давлат таълим стандарти даражасида эгаллашида турли кўринишдаги назоратларнинг ўрни муҳимдир. Чунончи, билимларни назорат қилишнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: оралиқ ва мавзувий ёзма ишлар, оғзаки ва ёзма сўровлар, уйга вазифа ва мустақил ишлар бўйича янги педагогик ва ахборот технологиялар ёрдамида ўтказиладиган назоратлар (тестлар, савол-жавоблар, турли ўйин шаклидаги машқлар ва ҳоказо). Кузатув ва тажрибаларимиз натижаси шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда самарали назорат шаклларидан мавзувий синовлар, ахборот технологиялар, махсус воситалар ёрдамида ўтказиладиган назоратлар мактабда ўтказиладиган назоратларнинг самарали кўринишларидан, деб эътироф этиш мумкин.

Мисол тариқасида “Квадрат тенгламалар” мавзусига оид мавзувий синовни келтирамиз:

Мажбурий қисм:

1. Тенгламани ечинг.
$x^2-5x+6=0$

1.2. Танлаш йўли билан тенгламанинг илдизларини топинг.
$x^2+8x+7=0$

2. Тенгламани ечинг.

$$\frac{4}{x+3}+\frac{5}{x-2}=1$$

Ta’kid

3. Касрни қисқартиринг.
$x^2-7x+12$
$x^2-10x+21$

Қўшимча қисм:

Берилган $3x^2+bx+15=0$ квадрат тенгламани илдизлари бутун сонлар эканлигини билган ҳолда, b ни топинг.

Назоратларнинг самарадорлигини белгилаб берувчи жиҳатларидан бири у қандай ташкил этилганлигидир. Демак, назоратни шундай ташкил этиш керакки, у ўқувчиларнинг психологик ҳолатини, тайёргарлиги ва ўтилган мавзуларни ўз ичига қамраб олсин. Лекин ўқитувчилар назоратни ташкил этишда кўп ҳолларда юқоридаги талабларга риоя қилишмайди. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларнинг ёзма иш натижалари билан танишиб чиқиш давомида кутилмаган натижаларга ҳам эга бўлади. Чунки берилган масалаларни ечишда нафақат “қолоқ” ўқувчилар, балки яхши баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар ҳам баъзан қўпол хатоликларга йўл қўйган ҳолатлар ҳам бўлади. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг тайёргарлигида камчиликлар борлигини кўрсатади. Агар ушбу камчиликлар ўз вақтида тузатилмаса, бу кейинчалик ўқувчининг қолоқлар сафига қўшилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи қўйилган талабларга қай даражада эришганлигини назорат қилиш орқали ўқитувчи мавжуд камчиликларни бартараф этиш кераклигини тақозо қилади.

Ўқувчиларнинг берилган вазифаларга диққатини жалб этиш ва уларнинг бажарганлигини назорат қилиш уларда ўз устида ишлаш малака ва кўникмаларини шакллантиради. Демак, назорат бу ДТСнинг бажарилишини таъминлашга кўмаклашувчи восита бўлиб хизмат қилади.

**Аббос АКМАЛОВ,
Низомий номидаги
ТДПУ аспиранти**

Qaror va ijro

БОЛАЛАР СПОРТИ

у мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади

Мамлакатимизда болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бундай улкан ишларни амалга оширишда, таъбир жоиз бўлса, аниқ механизмлар ишлаб чиқилган. Мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари", ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод", талабаёшлар ўртасида эса, "Универсиада" мусобақаларининг ўтказилиши ушбу механизмнинг асосий таянчини ташкил қилади. 2002 йил 24 октябрда Президентимиз фармонига асосан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг амалга ошираётган ишлари ҳам бу борада салмоқлидир. Жамғарма Президентимизнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2004 йил 29 августдаги ПФ-3481-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Чунки жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, болалар спортини ривожлантириш ва айниқса, қишлоқ жойлардаги ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифа 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бажарилишидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада қилинаётган ишлар, жамғарманинг вазифалари, фаолият йўналишлари ҳақидаги саволларга жавоб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Абдулла ОЧИЛОВ билан суҳбатлашдик.

— Абдулла ака, дастлаб Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг таркибий тузилмаси хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Президентимизнинг юқорида таъкидланган фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 2004 йил 29 августдаги 410-сонли қарори билан ташкил этилган.

Жамғарма ўз фаолиятини Республикамиз Конституциясига, қонунларимизга мувофиқ амалга оширади. Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг меҳнат жамоалари, муассасалар ва ижодий уюшмалар, вазирликлар, қўйингки, соғлом-авлодни вояга етказишга ўз ҳиссасини қўшишни хоҳловчи юридик ва жисмоний шахслар биз билан ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Жамғарма фаолияти хайрия тусига эга. Унинг маблағлари, уларнинг тушиш манбаларидан қатъи назар, жамғарманинг мақсади ва унга юкланган вазифаларга эришиш учун сарфланади.

— Жамғармани тузишдан мақсад, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳақида нима дея оласиз?

— Ўсиб келаётган ёш авлодда спортга меҳр уйғотиш, уларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишларига замин тайёрлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилишларига кўмак бериш баробарида салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан сақлашга қаратилган. Фарзандларимизга Ватанга муҳаббат ва ўз мамлакатидан ғурурланиш туйғусини тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ҳам амалга ошириш асосий мақсаддир. Шунингдек, жамғарма болаларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашади.

Болалар спортини оммалаштириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт мажмуаларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, шу жумладан халқаро ташкилотларни жалб этиш ҳам мақсадимиздир.

Болалар спортини ривожлантиришни 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан бевосита ўзаро боғлиқликда амалга ошириш болалар спортини аниқ мақсад йўлида барқарор ривожлантиришга кўмаклашади.

Жамғарма қишлоқ жойларида болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, умумтаълим мактаблари қошида ва аҳоли яшаш жойларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлашда жонбозлик кўрсатади.

Жамғарма болалар спорти бўйича устозлар ва спортчи педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим Марказларида ва чет элларда тайёрлашда уларнинг малакасини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Спорт ва маданият вазирликлари, Миллий олимпия қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика спорт федерациялари, клублари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

— Республикамизда кўплаб спорт иншоотлари қурилмоқда. Уларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш қай йўсинда кечмоқда?

— Янги қурилган иншоотларни замонавий талабларга жавоб берадиган даражада жиҳозлаш керак. Мана бир мисол. Футбол коптогини кўраяпсиз, атайлаб хонага олиб келиб қўйганман. Жуда сифатсиз ишланган. Бу копток ҳали бир марта ҳам майдонда ўйналмаган. Коптокни ҳаво билан тўлдириб бўлгунча яроқсиз ҳолга келиб қолади! Бунга нима дейсиз? Мана шундай сифатсиз буюмлар ишлаб чиқаришнинг олдини олиш мақсадида шу йил 2-4 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"нинг кўргазмалар залида "Ўзбекистон спорт саноати — болаларга — 2004" номли кўргазма ўтказдик.

Унда юртимиздаги 26 та спорт анжомлари ва кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад — энг сифатли жиҳозларни танлаб олиш ва ишлаб чиқараётган корхоналар билан ҳамкорлик қилиш эди. Бу ерда ишчи гуруҳимизни тузиб энг сифатлиларини танлаб олдик. Бу ишни ўша ерда тузилган экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда амалга оширдик. Бу албатта, келажакда ўз мевасини беради.

— Кўргазмада иштирок этган қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинадиган бўлди?

— Кўргазмада қанча кўп иштирокчи бўлса, танловчига шунча яхши бўлади. Чунки сайлаш, танлаш имконияти кўпаяди. Кўргазмада танлаш билан махсус шуғулланган экспертларнинг хулосаларига кўра, ўша ташкилотлар билан ҳамкорлик қиламиз. Ҳозирча улар томонидан ташкилотларнинг спорт жиҳозлари кенг ўрганилмоқда.

— 6 ноябрь куни Сирғали туманидаги "Жокет" от спорти клубида мазкур жамғарма совриний учун илк марта мусобақа ўтказилди. Шу ҳақда ҳам маълумот бериб ўтсангиз?

— Отга қизиқмаган йигит бўлмаса керак, деб ўйлайман. Чавандозлик бизга ота-боболаримиздан мерос. Шундай экан, от спортини ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мусобақа мактаб ўқувчиларининг кузги таътил кунларини унумли ўтказиш ва болаларни от спорти турига қизиқтириш мақсадида уюштирилди. Унда 12-15 ёшгача бўлган 30 нафардан ортиқ бола иштирок этди.

Иштирокчилар мусобақада турли йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритишди. Бундан ташқари, кўргазмали чиқишлар ҳам уюштирилди.

— Жамғарманинг қандай ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бор?

— Биринчи ўринда олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни мустақил равишда амалга оширади.

Болалар спортини ривожлантиришнинг турли масалалари бўйича белгиланган тартибда ташаббуслар билан чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритади.

Оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ўтказади, турли хил спорт мусобақаларида, нотижорат мақсадларидаги тендерлар ва танловларда бевосита иштирок этади.

Мажбуриятларга келадиган бўлсак, ўсиб келаётган авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастурини бажаришда фаол қатнашади.

Ваколатхоналарга, филиалларга ҳамда жамғарма томонидан ташкил этилган бошқа ташкилотларга ўз фаолияти дастурларини ишлаб чиқишда ҳар томонлама кўмаклашади ва уларнинг ишларини ўз вақтида назорат қилади.

Бундан ташқари, жамғарма ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари ўз фаолиятида болалар спорти иншоотлари қурилиши масалаларида шаҳарлар ва туман ҳокимларининг тегишли вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўқув-методик масалалар бўйича эса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва уларга ҳисобот беради.

Шерзод АҲМАТОВ
суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ

Ҳар бир фуқарога, ҳар бир ҳудудга ва ҳар қандай ташкилот, корхона, муассасага тегишли устувор йўналишдир

Ҳар бир давлат ҳудудида умумий тартиб-қоидани белгиловчи қонунлар амал қилади. Шу маънода қонунлар жамиятнинг устувор ва барқарор ривожланишини таъминлаб кучига айланиши тан олинган ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар турмуш тарзини назорат қилувчи, тартибга солувчи юзлаб қонунлар бор ва улар юрт истиқболини кўзлаш билан биргаликда, меҳнаткаш омманинг мамлакат ривожидаги ҳиссасини ҳам таъминлайди. Сир эмаски, аксарият фуқароларнинг солиқ ҳақидаги тушунча ва қарашлари ҳаминқадар. Мамлакатимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, солиқ тизими жуда улкан тармоқ ва ўз навбатида, у ҳар кимга, ҳар бир соҳага, ҳар бир ҳудудга тааллуқлидир. Ана шу тизим мамлакатимиз ғазнасини доимий равишда тўлдириб турибди, тушумлар халқ ва юрт фаровонлиги учундир.

Муштарийларимизни Ўзбекистон Республикасидаги солиқ сиёсати билан чуқурроқ таништириш мақсадида ушбу қўш саҳифани тайёрлашга жазм этдик. Уни тайёрлашда ёрдам берганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси матбуот хизмати вакилларига ҳамда Тошкент молия институти «Солиққа тортиш ва суғурта иши» кафедраси профессор-ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Саҳифадаги мақолалар билан танишиб, қисман бўлса-да солиқ сиёсати, унинг тарихи, турлари ҳамда бу соҳага кадрлар тайёрлаш бўйича ўз билим доирангизни кенгайтира олсангиз, биз ҳам ўз мақсадимизга эришдик, деб ҳисоблаймиз.

Milliy dastur — amalda

Президентимиз И.Каримовнинг маърузалари ва илмий асарларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошира бориш ҳар бир идора, ҳар бир корхонада қатъий қоидага айланиши, бу борадаги ишлар ярога тизим асосида ташкил этилиши ва тизимнинг самарали ишлаши ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Шўъбамиз ходимлари давлат солиқ хизмати органларининг функция ва вазифаларига мувофиқ тарзда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини доимо такомиллаштириб боришга, касбий маҳоратларини оширишга жиддий диққат-эътибор қаратмоқдалар. Бу жараёнда шўъба Давлат солиқ қўмитаси марказий идорасининг барча мустақил тузилмалари, республикамиздаги нуфузли иқтисодий йўналишдаги ўқув муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа ва бошқа вазирликлар ҳамда идоралар билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган.

Солиқ хизмати кадрларини тайёрлаш. Давлат солиқ қўмитаси органларининг ўрта поғона лавозимларида ишлаш учун мўлжалланган кадрлар асосан, Солиқ академияси ва Тошкент, Бухоро, Фарғона солиқ коллежларида тайёрланмоқда. Бугунги кунда мазкур коллежларимизда 1168 нафар талабалар таҳсил олаяпти. 2004 йилда 332 нафар, ўтган йиллар мобайнида эса, солиқ коллежларини 1061 нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар битириб чиқди.

Коллежни битирган ёш мутахассисларнинг иш фаолияти, касбий кўникма олишлари уларга бириктириб қўйилган мураббийларнинг доимий назорати орқали амалга оширилмоқда. Битирувчиларнинг эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармаларида амалиёт ўтишларига катта эътибор берилмоқда.

2004-2005 ўқув йилида Солиқ академиясининг тўрт йиллик бакалавр йўналиши бўйича «Солиқ ва солиққа тортиш» мутахассислигига 75 нафар тингловчи қабул қилинди. Академияда мазкур таълим йўналишида бугунги кунда 257 нафар тингловчи таҳсил олмоқда. Шунингдек, жорий ўқув йилида махсус ихтисослик дипломига эга бўлмаган 24 нафар солиқ тизими ходими «Солиқ ва солиққа тортиш» мутахассислигига бир йиллик қисқартирилган дастур бўйича ўқишга қабул қилинган. Ўтган йиллар мобайнида 50 нафар тизим ходимлари ушбу дастур бўйича тегишли мутахассислик дипломига эга бўлган.

Солиқ коллежларига янги ўқув йилида 511 нафар ўқувчилар коллеж талабалари сафига қабул қилиндилар. 2004/2005 ўқув йилидан бошлаб коллежларимизда тизим эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда «Бухгалтерия ҳисоби» ва «ЭҲМ оператори» мутахассислиги киритилди. Бу мутахассисликларга ҳам кўплаб талабалар биринчи марта қабул қилиндилар. Алоҳида таъкидлаш лозимки, тизимга тегишли барча ўқув муассасалари замонавий ўқув моддий-техника базаси билан жиҳозланган ва уларда малакали профессор-ўқитувчилар таълим беришяпти

Кадрларни қайта тайёрлаш. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ, таълимнинг магистратура босқичини ташкил этиш ва тегишли таълим йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслардан юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва унинг қошидаги Олий бизнес мактабида 4 нафар, Стратегик таҳлил ва истиқболни ўрганиш Олий мактабида 8 нафар ходим таҳсил олмоқда.

Малака ошириш. Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти томонидан тизим ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. 2002 йилдан бошлаб Солиқ академиясининг малака ошириш бўлими факультетга айлантирилди. Қўшимча машғулот ўтказиш хоналари, ётоқхона қайтадан жиҳозланди. Натижада, бир йилда 2500 нафардан ортиқ солиқ тизими ходимларининг малакасини ошириш имконияти яратилди.

Тизимга республикамиздаги нуфузли олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жалб этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси ва иқтисодиёт университети, молия институтлари билан имзоланган кадрлар тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик шартномалари ҳам амалда. Битирувчи босқич талабалари солиқ органларида битируволди амалиётлари ўтказиб, ўз малака ва билимларини оширишяпти.

Мавжуд ютуқ ва муваффақиятларимизни эътироф этган ҳолда камчиликлардан ҳам кўз юммаслигимиз керак. Бу айниқса, малака ошириш йўналишида кўзга ташланмоқда. Дарслар сифати паст, тингловчилар билан машғулотлар ўтказишда янги педагогик технологияларни қўллаш мавриди келди. Махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратмоғимиз даркор.

Акбар АРАШЕВ,
ДСҚ Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш шўъбаси бошлиғи

Навбатчилар кечаю кундуз ишлашади.

СОЛИҚ КОДЕКСИ

у нима учун зарур?

Аввало, нима учун кодекс, қонун эмас, деган савол туғилиши, табиий. «Кодекс» лотинчадаги «кодек» сўзидан олинган бўлиб, маълум бир соҳага оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи, деган маънони англатади. Масалан, «Меҳнат», «Жиноят» кодекслари айнан шу соҳага оид моддалардан иборат. Демак, Солиқ кодекси ана шу тизимни изга, тартибга солувчи бош ҳужжатдир.

Республика солиқ идораларида тўпланган иш тажрибасини акс эттириб ва жаҳон тажрибасини ўзида мужассамлаштириб, Солиқ кодекси Ўзбекистон солиқ қонунчилиги ва солиқ солиш тизимини халқаро даражага анча яқинлаштирди. У солиқ тартибини, солиқ солиш ва йиғимлар тамойилларини рўёбга чиқариш шартларини тартибга солади, соҳада давлат ҳуқуқ-тартиботи ва қонунга риоя этилишини таъминлайди. Янгиланган қонунчиликда солиқларни белгилаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш, солиқ солиш чоғида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тамойиллари акс этган, солиқ солиш объектлари, республикадаги ва ундан ташқаридаги солиқ тўловчиларнинг имтиёз ва мажбуриятлари белгиланган.



Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси давлатимиз Конституциясига мувофиқ келади ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга жавоб беради. Бу эса, ҳар бир соҳа ва тармоқнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда солиқ солиш тизимини шакллантириш, рағбатлантирувчилик функциясини кучайтириш, уларнинг ролини ошириш ва бир хиллаштириш мақсадида солиқ ставкаларини табақалаштириш имконини беради.

Солиқлар корхона, бирлашма ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг даромадларини ҳар хил гуруҳларга қайта тақсимлашнинг иқтисодий воситаси эканлиги ушбу кодексда тўлиқ акс этган. Солиқлар орқали давлатнинг бозор инфраструктураси ривожланади, хилма-хил мулкий шаклдаги корхона ва ташкилотлар яратилса, солиқлардан бюджетга тушумлар кўп бўлади ва давлатнинг ўз функцияларини бажаришига кенг имкониятлар яратилади.

Солиқ тўловчининг даромадлари, муайян товарлар, молмулк қиймати, қимматли қоғозларга доир операциялар, табиий ресурслардан фойдаланиш ва ҳоказолар, яъни пул, мулкий шаклларда мавжуд бўлган моддий неъматлар солиқ ҳуқуқий муносабатлари объекти эканлиги ҳам кодекснинг мазмун-мундарижасига сингдирилган.

*Солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ўз ичига ҳуқуқ меъёрлари, ҳуқуқий муносабатлар, юридик масъулият, ҳуқуқий онг ва бошқа шу каби таркибий унсурларни олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси солиқ қонунчилиги учун юридик база ҳисобланиб, унда шундай дейилган: **«Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва мажбурий йиғимларни тўлашга мажбурлар»**, шунингдек 123-моддасида ҳам шундай деб таъкидланади: **«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади».***

Кодексда солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солишда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бобида бир томондан тўловчи ва иккинчи томондан масъул идораларнинг ўзаро муносабатлари тизимига алоҳида эътибор берилган. Зеро, солиқ муносабатларини ёки иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини эълон қилиш ҳамда ёзиб қўйишнинг ўзи етарли эмас, балки барча муносабатлар кафолатланиши, номақбул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш билан ҳам таъминланиши зарурдир. Демак, кодекснинг ўз олдига қўйган асосий вазифаси ҳам шунда.

Солиқ муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси ўз бурчларига нималар киришини ва у ёки бу ҳаракатларни содир этганда қандай ҳуқуқларга эга бўлишини билиши даркор. Солиқ тўловчи ўз бурчини бажармаган ёки ноҳалол бажарганда, тегишли идоралар у ёки бу санкцияларни, яъни, таъсир кўрсатишнинг муайян усулларини, мисол учун банк ҳисоб варақаларини бўйича ҳисоб-китоб операцияларини тўхтатиб қўйиш, тўловчининг ҳисоб варақларидаги маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш ва бошқа усулларни қўллаши мумкин бўлган ҳоллар ҳам жуда муҳимдир.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларига хорижий сармояларни жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Бу эса, табиий равишда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан олиб борадиган савдо-иқтисодий ҳамда бошқа соҳалардаги алоқаларининг солиқ билан боғлиқ жиҳатларида ўзаро келишилган ҳамкорликни йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқаради. Шу боис, давлат солиқ хизмати идоралари томонидан халқаро солиқ муносабатларини ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Италия давлати ўртасида имзоланган «Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида»ги ҳукуматлараро битимнинг кучга кириши солиқ соҳасида алоқа ўрнатган ҳамкорларимиз сонини яна биттага кўпайтирди. Бундай битимлар миллий иқтисодимизга хорижий сармоя ва замонавий технологияларни киритиш, халқ хўжалигига ривожланган давлатларнинг мавжуд тажрибаларини татбиқ этишга кўмаклашиш билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси солиқ идоралари ва хорижий юртлар солиқ ташкилотлари ўртасидаги бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, даромаднинг икки ёқлама солиққа тортилиши нафақат давлатлар ўртасида сармояларнинг айланиши, янги технология ва илмий тажрибалар, шунингдек, товарлар ва хизматлар билан алмашиш жараёни ривожланишига, балки ижтимоий-иқтисодий ва молиявий муносабатларга ҳам салбий таъсир этади. Дунёнинг деярли барча давлатлари ривожланиш даражасидан қатъи назар, ўз иқтисодига хорижий сармоялар, янги технология ва илмий тажрибаларни киритишдан ҳамда ўз субъектлари тадбиркорлик фаолиятини нафақат ўз ҳудуди доирасида, балки халқаро миқёсда ривожланишидан манфаатдор.

Давлатлараро муносабатларнинг ривожланиб бориши аста-секин ушбу саволлларга жавоб бериш заруриятини келтириб чиқара бошлади. XIX асрнинг биринчи ярмида, аниқроғи 1843 йилда Франция ва Бельгия давлатлари ўртасида солиқ масалаларига оид дастлабки битим тузилган эди. Халқаро солиқ муносабатларининг дастлабки босқичи давлатларнинг фискал масалалар бўйича масъул идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, маълумот алмашиш ҳамда савдо-сотиқ алоқаларини

Biz va jahon

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА

корлик фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам манфаатдордир.

Кейинчалик халқаро солиқ муносабатлари давлатлар ўртасидаги сармояларнинг айланиши, янги технология ва илмий тажрибалар билан алмашиш муносабатларининг ривожланиши баробарида такомиллашиб боради.

Миллатлар лигаси томонидан бошланган ҳаракатлар натижасида 1928 йилда давлатлар ўртасида «Икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида»ги битимнинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у ҳозирга қадар такомиллашиб келмоқда. Ушбу битим давлатлар ўртасидаги сармояларнинг айланиши, янги технология ва илмий тажрибалар алмашиш билан боғлиқ кўпқиррали операцияларнинг амалга оширилиши натижасида вужудга келадиган бир қатор функцияларни бажаради.

Олимжон МАТАЗИМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи

КАДРЛАР — ТИЗИМНИНГ «ЖОНИ»

ЎТМИШДАН БИР ШИНГИЛ

Солиқлар тарихда инсон цивилизацияси билан бирга ривожланиб, унинг ажралмас қисми сифатида шаклланиб келган. Уларнинг иқтисодий муносабатлардан асосий ўринга чиқишига авваламбор, давлатнинг шаклланиши, жамоаларнинг синфларга бўлиниши, қадимги ижтимоий тузумнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг маълум молиявий манбага эҳтиёж сезишлари сабаб бўлган. Инглиз тадқиқотчиси С.Паркинсон сўзи билан айтганда: «Солиқлар кўҳнадир — худди дунёдек, унинг юзага келишида қачондир маҳаллий қўмондон ўз ҳудудида жойлашган дарё ёки тоғдан савдогар ҳамда саёҳатчи ўтса, улардан ҳақ олиши сабаб бўлган». Солиқлар пайдо бўлар ва ривожланар экан, албатта, улар турлича шаклларда амал қилган. Бугун солиқлар асосан пул шаклида ундирилаётган бўлса, қадимда бир қанча кўринишларда, жумладан, меҳнат ва натура, яъни **махсулот** шаклида ундирилган. Шу билан биргаликда жамият иқтисодий тараққиёти юксалишига мос равишда солиқларнинг турли шаклда ундирилиши ҳам тобора ривожланиб борди. Тадқиқотчи В.Пушкарева солиқлар ривожланиш тарихини уч босқичга ажратиб кўрсатади. Уларнинг ҳар бири у ёки бу хусусиятлари ҳамда афзалликлари билан ажралиб туради.

Биринчи босқичда солиқларнинг ривожланиши қадимги ва ўрта асрлар қишлоқ хўжалиги тизимига хос бўлиб, тартибсиз ҳамда асоссизлиги билан ажралиб туради. Худди шу даврда солиқ механизми ундирилиши жорий этилган. Иккинчи босқичда солиқлар давлат бюджетини шакллантиришнинг асосий манбаси сифатида тан олиниб, тегишли объектларни аниқлаш ва солиққа тортиш қонун-қоидаларини тартибга солувчи илк соҳа тизими юзага келган. Учинчи босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда солиқларнинг камайиши, уларни ўрнатиш ва ундиришга оид қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши яққол кўзга ташланади. Жамиятда молия илмининг ривожланиши билан солиққа тортиш муаммолари ва услубиятларга бағишланган янги-янги илмий-назарий қарашлар вужудга келди.

Тарихий маълумотлар подшо хазинасининг дастлабки асосий манбаи савга-салом бўлганлигидан далолат беради. Лекин Доро ҳукмронлиги даврига келганда, солиқлар жорий қилинади. **«Доброи форслар савдогар дейишларига сабаб, у биринчи бўлиб солиқларни жорий этган»** деб ёзади Геродот. У солиқ тизимини фақат ўз мамлакатида эмас, балки зўрлик билан қарам қилиб олган ҳудудларга ҳам жорий этган.

Араблар истилоси даврида, қонунда кўзда тутилмаган тўловларни ундиришга ҳаракат қилар эдилар. Амир Темур солиқ ундирувчиларга ҳалқнинг устига ўк бўлмаслиги учун уларга алоҳида маош тайинлаган. Ҳукмдор даврида амал қилган асосий солиқлар қуйидагилардан иборат бўлган: **Молужҳот — ер солиғининг** бир тури; тағор — озиқ-овқатларни **реквизия** қилишда қўлланиладиган натура солиғи; **ихрожот** — саройларга қўнаш учун махсус йиғим; бож — савдогарлардан чегаранн кесиб ўтишда ундириладиган божхона солиғи; **сармушар** — жон солиғи; **хонамушар** — ҳар бир хонадондан олинадиган йиғим; **кар, бож, тансуқот, тухфа** ва бошқа солиқлар амал қилган.

XVI асрда ташкил топган Хива хонлиги инқирозни бошдан кечирар эди. Солиқ юкининг оғирлиги деҳқонлар, шаҳарликлар ва кўчманчи — туркман қабилалари зиммасига тушарди. Туркманлар ер-мулк солиғи — ҳосилнинг ўндан бир қисмини ва минглаб бош қўйларини «хон қозони» учун солиқ сифатида тўлар эдилар. Алоқали-хизр қабиласи хонга навкар ёки гвардия етказиб берар эди. Ўлпон фақат хон учун эмас, балки хон сулоласининг айрим вакиллари учун ҳам ундирилади. Туркман қабилалари тез-тез кўзғолон кўтариб, вақти-вақти билан муайян мустақилликка эришардилар.

Бухоро амирлиги молия тизими негизида араблар истилоси даврида бутун мусулмон Шарқи ўзлаштирган солиқ — **хирож** турган. Хирож ердан олинадиган ҳосилнинг бешдан бир ёки учдан бир қисми сифатида олинган, **ушр солиғи** эса ўндан бир қисмини ташкил этган. Ўнарамандлар ўз қобилияти, дидига мос равишда байрамларда хонга ўз буюмларини ҳадя қилишарди. Фавқулодда ҳолларда эса, улар ҳар бир дўкондан йиғим тўлашган. Амирликда ўлпон йиғиш билан девонбеги — молия вазири шуғулланган. XV—XVII асрларда закот бева-бечоралар, мусофирлар фойдасига олинган бўлса, кейинги асрдан бошлаб хазина фойдасига ундириладиган бўлди. Закот тўлашдан бош тортган қабилалар устига омонпули(моли омоний) олинган.

Каналлар, иншоот, қалъа, кўприклар, йўллар таъмири ҳашар билан амалга оширилган. Бошда ҳашарчилар озиқ-овқат билан таъминланган. XVIII асрдан бошлаб ҳашарчилар озиқ-овқати, иш асбоблари, от-араваси билан келиши лозим эди. Манбаларда қайд этилишича, XVIII асргача олимлар, қозилар, сипоҳийлар ва навкарлар хирож ҳамда танобона тўлашдан озод этилганлар.

XIX асрнинг биринчи ярмида Кўқон хонлигининг солиқ тизими Бухоро амирлигиникига ўхшаш эди. Бу ерда ҳам ғаллазорлардан хирож йиғими, узумзорлар, полизлар, боғлар ва техника экинлари билан банд бўлган ерлардан танобона ундирилган. Товарлар, мол-мулк ва чорвадан закот олинган. Шахсан хонга қарашли қишлоқлардан хослик — ундирувчи амалдорларга эмас, балки бевосита хонга бериладиган ёки хоннинг махсус фармони билан у ёки бу аъёнларга таъминот учун бериладиган солиқ ундирилган. Одатдаги солиқлардан ташқари хонлар янгиларини ҳам жорий этган. Бунда айниқса, Худоёрхоннинг ўзига хос тартиблари бор эди. У эқилган мевасиз дарахтлардан, пойтахтга олиб келинган пичан-

Moziydan sado

Қўмита ходимлари иш устида.

Бугунги солиқлар қандай номланади ва уларни кимлар тўлайди? Бу ҳақда билиб қўйсангиз, фойдадан холи бўлмайди, азиз муштарий.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
3) қўшилган қиймат солиғи;
4) акциз солиғи;
5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
6) экология солиғи;
7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар:

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради;

1) мол-мулк солиғи;
2) ер солиғи;
3) ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
5) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
6) юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Ҳуқуқий шахслар тўлайдиган солиқлар:

1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
2) қўшилган қиймат солиғи;
3) акциз солиғи;
4) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
5) экология солиғи;
6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7) мол-мулк солиғи;
8) ер солиғи;
9) инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
10) ялпи даромад солиғи (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун);
11) ягона солиқ (кичик корхоналар учун);
12) ягона ер солиғи (қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун);
13) автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойидан фойдаланганлик учун солиқ.

ЙИҒИМЛАР

1) Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим.
2) Айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари.
3) Юридик шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим ва бошқалар.

Александр БЕЗРУЧКО олган суратлар.

Қўшсаҳифани Х.ТЎЙМАНОВА тайёрлади.

Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,
Тошкент молия институти «Солиққа тортиш ва суғурта иши» кафедраси мудири, доцент

Fanimiz fidoiylari

ТИЛШУНОСЛИКДА ЁРҚИН ЮЛДУЗ

Мазлума Асқарова. Бу ном ўзбек тилшуносларининг катта ва ўрта авлодига таниш бўлиб, ёш авлодда қизиқиш уйғотади ва ҳайратга солади. Чунки ҳозирги вақтда ўзбек аёлларидан профессорлар анчагина, лекин қарийб 40 йил олдин профессорлик унвонига эга бўлиш етиб бўлмас орзулардан бири эди. Бундай бахтга сазовор бўлган пешонаси ярақлаган инсон Мазлума Асқарова бугунги кунда табаррук ёшдалар. Филология фанлари доктори, профессор, Россия Федерацияси таълим академияси академиги М.Асқарованинг илмий-педагогик фаолияти бир нечта йўналишни ўз ичига олади. Илмий ва ўқув-методик ишлар — 150 дан ортиқ; дарсликлар — 30 дан ортиқ (қайта нашрлари билан); тақризлар, илмий-назарий, илмий-методик маърузалар — 50 дан ортиқ; муҳаррирлик ишлари — 50 дан ортиқ; М.Асқарова раҳбарлигида бажарилган номзодлик диссертацияси — 22 та; докторлик диссертацияларига оппонентлик — 10 дан ортиқ; номзодлик диссертацияларига оппонентлик — 20 дан ортиқ.

Мазлума опа Асқарова илмий ишларининг мавзулари тилшуносликнинг турли соҳаларини қамраб олган. У ўз илмий фаолиятини морфология бўйича, хусусан, феълнинг вазифадош шаклларидан бири равишдошни тадқиқ этиш билан бошлаб, шу мавзу бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, докторлик ишини синтаксис бўйича бажарган. Олима «Ҳозирги ўзбек адабий тилида эргашиш усуллари ва эргаш гапнинг турлари» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлаган. М.Асқарова ярим асрдан кўпроқ синтаксиснинг муҳим муаммоларидан бири — қўшма гап бўйича илмий иш олиб борди. Шуниси эътиборга сазоворки, олима фақат илмий иш билангина шуғулланиб қолмасдан, ўз илмий иқтидорини дарслик яратишга ҳам сафарбар қилди. У 4-, 7-, 8-, 9-синфлар учун «Ўзбек тили дарслиги»ни яратишда фаол қатнашган муаллифлардан биридир. Опа фақат мактаб дарслиги муаллифлигини эмас, институт ва университетларнинг филология факультетлари учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигини яратувчилардан биридир. Олима академграмматиканинг I, II қисмларини ёзишда ҳам иштирок этган. Кўринадики, Мазлума опани энг кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ҳам, академграмматика ўқий оладиган энг катта ёшдаги мутахассисларнинг ҳам устозларидан бири десак, хато қилмаймиз. У деярли 50 йилдан бери Ўзбекистон фуқароларига ўзбек тили қоидаларини ўргатиб келмоқда. Бу билан Республика фани ва маданияти тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Мазлума опанинг жуда қобилиятли, етук мутахассис эканлигини яна бошқа томондан ҳам кўриш мумкин. У илмий-назарий ва илмий-услубий йўналишда қўл урмаган соҳа йўқ, десак муболаға бўлмайди.

Мазлума опа Асқарова Ўзбекистон Республикасининг илмий хазинасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, тилшунослик осмонида ёрқин юлдуз бўлиб чарақлаган ўзбек аёлларидандир. М.Асқарованинг педагогик фаолияти ярим асрдан ортиқ вақтни ўз ичига олади. Бу даврда у ҳозирги ўзбек адабий тили курсидан маърузалар ўқиш билан бирга, мактаб, ўрта махсус билим юртлари ва олий ўқув юртлари учун қатор дарслик, қўлланма, дастур ва методик тавсияномалар ҳам ёзди. «Ҳозирги ўзбек тили курсининг ҳажми ва мазмуни», «Ҳозирги замон ўзбек тили», 1957 йилда ҳаммуаллифликда «Ҳозирги ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар», «Айрим эргаштирувчи боғловчиларнинг гапдаги роли ҳақида», «Эргашган қўшма гап таркибида нисбий сўзларнинг қўлланиши» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Маълумки, кейинги йилларда мактаб дарсликлари миллийлаштирилмоқда. М.Асқарова бу ишда ҳам фаол. Хусусан, V, VIII, IX синфлар учун ёзилган дарсликларнинг янги талаблар асосида қайта ишланиши ва нашр этилиши (1993 ва 1994 йилларда) бевосита олима иштирокида бажарилган.

Мазлума опа жамоат ишларида ҳам доимо фаол қатнашиб келади, у бир неча йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги — «Педагогика назарияси ва тарихи» ҳамда — «Она тили ва адабиётини ўқитиш методикаси» мутахассисликлари бўйича ҳимоя кенгашига раислик қилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги ўзбек филологияси ўқув-методик кенгашининг аъзоси, халқ таълими вазирлиги қошидаги ўзбек филологияси ўқув-методик кенгашининг аъзоси, Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўзбек филологияси ўқув-методик кенгашининг раиси ва ҳоказо. Устоз жамоат ишларига ҳам вақт топади, айримлар сингари вақтини қизғаниб, қўл силтамайди. Зеро, кўпчиликка йўл кўрсатиб юрувчи устозлар ана шу хислатни ўзларида қарор топтирадилар.

Ш.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
С.СУЛТОНСАИДОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Jarayon

ИСЛОҲОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Вилоят халқ таълими бошқармаси буйруғи билан 1996 йилдан фаолият кўрсата бошлаган туманимиздаги 27-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилиниб, иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш йўлида самарали меҳнат қилиб келаяпти. Иқтидорли ўқувчилар махсус босқичли суҳбат ва тест синови орқали аниқланиб, уларга давлат таълим стандартлари асосида она тили ва адабиёти, математика, ҳуқуқшунослик ҳамда хорижий тиллардан қўшимча чуқурлаштирилган дастур бўйича таълим-тарбия берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи давридаёқ таълим муассасамизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари вилоят халқ таълими бошқармаси, ҳомий ташкилотлар ва ота-оналар кўмагида яхшилана борди. Фан кабинетлари замонавий таъмирдан чиқарилди, иситиш тизимлари янгиланди. Кутубхона ишлари янги низом асосида ташкил этилди ва фаоллаштирилди. У керакли бадиий адабиётлар, методик қўлланмалар билан бойиди. Ҳозирда уларнинг сони жами 5 мингтадан 11 мингтага кўпайтирилди. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мустақил мутолаа қилишлари учун қулай марказ бўлиб хизмат қилмоқда. Ўқувчилар ижодкорлигини ошириш, уларнинг дарсдан бўш вақтларида ижодий ишлар билан шуғулланишлари учун ижодкорлар клуби ҳам ташкил этилган.

Ҳар ўқув йилида 7-, 11-синфларда қуйидаги босқичда фан олимпиадалари ўтказилади. Қуйи босқич барча фанлардан ўтказилиб, унда ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан фани бўйича қатнашади. Ғолиб ўқувчилар билан режали тайёргарлик машғулотлари олиб борилади.

Мактаб-интернат очилгандан буён ҳар йили вилоят босқичида 10—13 нафар ўқувчиларимиз иштирок этишиб, улардан бугунгача 30 нафари математика, она тили ва адабиёт, инглиз тили, ҳуқуқшунослик, география каби фанлардан вилоят босқичи ғолиблари бўлдилар. Айниқса, 2001 йили ҳуқуқшунослик фани бўйича ўқувчимиз Беҳзод Дадажоновнинг республика фан олимпиадасида иштирок этиб, 2-ўринни олиб қайтганлиги ҳаммамиз учун фахр ҳисобланиб, меҳнатимиз самарасини кўрсатди.

Ҳозирда мактаб-интернатимизда педагог кадрларга бўлган эҳтиёж 100 фоизга таъминланган. Чунки уни битириб, олий ўқув юртларига кирган биринчи қалдирғочларимиз 2003 йилдан бошлаб турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Ана шуларнинг натижасида мактабимизда физика, математика, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанларига қизиқишнинг йилдан-йилга ортиб бориши, ўқитувчилик йўлини танлаганлар ҳисобига педагогик жамоа таркибининг ёшариши ҳамда кадрлар сифатининг оширилишига бирмунча имкон яратилди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, таълим бўйича халқаро ҳамкорлик учун кенг йўл очилди. Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги АҚШ, Англия, Германия, Франция каби давлатлар билан, шунингдек, АҚШ Тинчлик корпуси, АКСЕЛС, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса, ёшларимизнинг ҳар томонлама илмий салоҳиятга эришишлари учун кенг йўл очилишига омил бўлмоқда.

«2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» мактаб-интернатимизда етишмаётган ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар, лаборатория ва амалий машғулотлар учун ашёлар, техника воситалари билан таъминлаш кераклигини кўрсатиб берди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бизнинг мактаб-интернатимиз ҳам замонавий компьютерлар билан таъминланса, турли таълимий ахборотларни олиш ва узатиш бўйича интернет тизими жорий қилинса, ёшларимиз учун яна бир қулайлик яратилган бўларди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳам ўз вақтида катта эътибор берилмоқда. Бу борада мактаб-интернатнинг беш йиллик истиқбол режаси ишлаб чиқилган. Таълим муассасаси раҳбари сифатида ўзим ҳам яқинда пойтахтдаги Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда малакамни ошириб келдим. У ерда олган билимларимни мактабни бошқариш, инновацион гуруҳларни ташкил этиш ва фаоллаштириш, янги педагогик технологиялар, уларнинг манбалари ҳамда жорий этиш тартибларини ўқув жараёнига татбиқ этишда сарфлаш ниятидаман.

Шокиржон ЖЎРАЕВ,
Олтинкўл туманидаги 27-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори

Uchrashuv

БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ МЕҲМОНИ

Пойтахтда фаолият кўрсатаётган «СОС Ўзбекистон Болалар маҳалласи» унинг бош ташкилоти ҳисобланмиш «СОС Киндердорф Интернейшнал» ҳомийлиги остида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон ҳукумати билан бу халқаро ташкилот ўртасида 1998 йилда Тошкентда ана шундай маҳаллани ташкил этиш ҳақидаги шартнома имзоланиши билан Ўзбекистон ҳам 130 давлатда фаолият олиб бораётган «СОС Киндердорф Интернейшнал» халқаро жамият аъзолигига қабул қилинди. 2000 йилда 14 та оилавий коттеж, болалар боғчаси, маъмурий бино, гараж, директор ва уста учун уйлардан иборат «Тошкент СОС Болалар маҳалласи» бунёд этилди. Шунингдек, барча алоқа тармоқлари тортилиб, иккита спорт майдончаси қад кўтарди. Ўн тўртта оилавий уйнинг ҳар бирида тарбиячи она ва оилага қабул қилинган болалар истиқомат қилишади.

Ушбу хайрли ишдан кўзланган бош мақсад, ота-онасиз болаларга чинакам оила эътибори, меҳри ва ҳароратини беришдир. Ҳозирги кунда маҳаллада 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 92 нафар ўғил-қиз бу муассасада аҳиллликда ҳаёт кечиришмоқда.

Куни кеча бу ерда Москва-Самарқанд-Тошкент-Владивосток йўналиши бўйлаб, «СОС Болалар маҳаллалари» халқаро ташкилотига бағишлаб ўтказилаётган мототур ташкилотчиси Филипп Гелханд билан ОАВ ходимлари ўртасида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Ф. Гелханд мототурнинг мақсади, йўналиши, саёҳат давомидаги воқеалар ҳақида сўз юритди.

— Мототур давомида хусусий тадбиркорлар ва турли ташкилотларни ҳомийликка жалб этишга ҳаракат қиляпман. Мототурнинг ҳар бир километрига ҳомийлик қилиш натижасида тушган маблағлар ўша ҳудуддаги «СОС Болалар маҳалласи» ҳисобига ўтказилади. Бу болалар бошқа болалардан фарқ қилади. Уларга кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик жоиз,— дейди Филипп Гелханд.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга Ф. Гелханд ва «Тошкент СОС Болалар маҳалласи» директори Камол Жўраевлардан жавоб олишди.

Назокат ХОЛМЕТОВА

МЕҲРИНГГА ТАСАННО— МЕҲРЖОН

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда туман Ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамкорлигида «Меҳрингга тасанно-Меҳржон!» байрами бўлиб ўтди. Байрамда тумандаги 25 та умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчилар иштирок этдилар. Байрам дастуридан жой олган асфальтга расм чизиш, «Олтин куз» ёш ижодкорларнинг расмлар кўрик-танлови, «Куз инъомлари» — кузги гуллар ва экибаналар кўргазмаси, «Куз маликаси» танловлари байрамнинг кўнгилли, эсда қоларли ўтишини таъминлади.

Танлов ва кўргазмалар ғолиблари туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тақдирланди. Байрам барча ўқувчи ва ота-оналарда катта таассурот қолдирди.

Ширмоной АСРАНОВА

Xoja Ahror Valiy tavalludining 600 yilligi oldidan

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ҲИКМАТЛАРИ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида.)

25. Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо (қ.с.) айтдилар: «Зикрга мудовамат этмак бир жойға етурким, зикрнинг ҳақиқати дилнинг жавҳари била бўлур».

26. Шайх Абулқосим Гургоний (қ.с.) ойтибдурлар: «Бир киши била ўлтурким, санинг ҳар на боринг, ул бўлсун, ё онинг ҳар на бори сен бўлғил, ё иккингиз ҳам Ҳақ субҳонаҳуда йўқ бўлунг, на сан қолғил, на ул қолсун».

27. Жамеъ билан ўлтурунгларким, нафсу ҳаво юзасидан сизлардан қавий бўлмасунлар, сизларни емасунлар, яъни, сизларнинг вақтингизни зоеъ ва нобуд этмасунлар.

28. Агар би-л-фараз манга беш юз йил умр бўлса ва ҳаммасини истиғфорга сарф этсам, ҳануз ул гуноҳнинг тадорукиниким, мандин содур бўлуб эрди, эта билмасман ва ул кадхудолиқнинг гуноҳи турур.

29. Бу байт менга хуш келиб турур:

«Бир остони иродат, ки сар
наниҳат касе,
Ки лутфи дўст ба рўяш дарича
накушуд.»
(Киши иродат остонасиға
қадам қўймаса,
Дўст лутфи унинг юзиға дарча
очмайди.)

30. Агар эшитсам ва билсамким, Хитой мамлакатида кофире бу тоифанинг сўзларини ҳанжор била ойтур, борурман ва онинг мулозаматини қилурман ва миннат тутурман.

31. Комили мукаммалдин бир амални таълим олса, ул амалға мувозабат (ҳаракат) ва мудовамат олиййаға етушмакка сабаб турур.

32. Жой кун дар андарунҳо хешро,
Дур кун идроки ғайрандершо.
*(Қалбда дўстга жой бергин-у
Дўстдан бошқа бегоналарни чиқар.)*

33. Зикр теша янглиғ турурким, онинг била хавотирнинг тиконларини кўнгулнинг йўлидин чопиб олурлар.

34. Дўст дорад дўст ин ошуфтагий,
Кўшиши беҳуқда беҳ аз хуфтагий.
*(Дўст бу ошуфталикни дўст тутади,
Ухлагандан кўра, фойдасиз бўлса ҳам,
ҳаракат яхшидур.)*

35. Гар набуди-ю, ғами ишқ набуди,
Чандки сухани хўб, ки гуфти
ки шинуди?
*(Ишқ бўлмаса-ю, ишқнинг ғами
бўлмаса эди,
Шунча айтган чиройли сўзларингни
ким эшитарди?)*

36. Магу арбоби дил рафтанд
шаҳри ишқ шуд холий,
Жаҳон пур Шамс Табризий аст,
кў-марди чу Мавлоно?
*(Қалб соҳиблари кетиб, ишқ
шаҳри бўшаб қолди дема,
Жаҳон Шамс Табризийга тўла, бироқ
Мавлоно (Румий)дек мард қани?)*

37. Абу Бакр Қаффол Шошийнинг (а.р.) мозорлари пештоқида ёзилган, кўрдим.
«Дони, чи ҳикмат аст, фарзанд
аз падар,
Миннат надорадаш ар чи диҳат
рўзу шаб ато.
Яъни, дар ин жаҳон, ке маҳалли
ҳаводис аст,
Дар меҳнати вужуд ту авардан маро».
*(Биласанми, бу жаҳонда қандай
ҳикмат бор, бўтам,
Отасидан рози бўлмас фарзанд
униб-ўсса ҳам,
Ҳодисаларга ўта бой бул ҳикматли
дунёда
Ота доғи фарзанд қалбин беҳад
ўртар дамодам).*

38. Одамий дийд асту боқий пўст аст,
Дийд он бошад, ки дийди дўст аст.
*(Одам кўздур, бошқаси эса пўстдур,
Дўст кўзи бўлолган кўзгина
ҳақиқий кўздур).*

39. Аз оташ гар дар қадаҳ обе хуранд,
Дар даруни об Ҳақро нозиранд,
(Чанқашдан пиёлада сув ичсалар ҳам,
Сув ичида Ҳақни кўрувчилар бор).

40. Бо таваккул зонуйи уштур бибанд.
*(Туяни аввал тушовла, сўнг
таваккул қил!)*

41. Ҳар киши маълум доирада ўлтурди, доиранинг атрофида айланмоқ керак, доирадан қадамини ташқари қўймоқ адабдин эрмасдур.

42. Чун ту набуди, ки буд, жумло
Худо буду бас,
Чун ту намонди, ки монанд,
жумла Худо, эй гадо?
*(Сен бўлмаганда ҳам Худо бўлган эди,
Сен қолмасанг ҳам худо бўлади,
эй гадо!)*

Улуғ Хожамизнинг қимматбаҳо ва дурмонанд ҳикматларини ўқиб чиққан баъзи муҳтарам ўқувчиларда айрим савол пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун баъзи ҳикматларни шарҳлаш ўринли кўринади. 4 билан 9-ҳикматлар Хожамизнинг мол-дунёлари ҳақида, бўлганлиги учун ҳар иккала ҳикмат маъно ва мақсад жиҳатидан яқин бўлгани учун биргаликда аниқлик беришга уриниб кўрамиз. Тўртинчи ҳикматда Ҳазрати Эшонимиз ўз беҳисоб мол-дунёсининг моҳияти ва хосияти ҳақида гапириб, уни очиқ-ойдин фуқароники, яъни халқники деб атайди. Мустабид шўро тузуми даврида Хожа Валийни «беҳисоб мол-дунё тўплаган, ўта бой ер эгаси, феодал» деб бадном қилувчилар кўп бўлганлар. Ўзини бадном қилувчиларга очиқ-ойдин Хожамиз «менинг мол-дунёимнинг кўплиги унинг фуқароларники, яъни халқники» эканлигини аниқ қилиб айтганлар. «Мундоғ молға хосият шул турур», деб Эшонимиз очиқ-ойдин айтганлар.

Ўшандай Хожамизни бадном қилувчи иғвогар ҳасадгўйлар у ҳаёт қайдида бўлган замонада ҳам бўлганликлари маълум. Ўшандай иғвогар ҳасадгўйлардан бирининг уйида, Самарқанддаги бир гурунг пайтида Хожамизнинг беҳисоб молдунёлари ҳақида гап бўлади. Ўшал ҳасадгўй одам «Ҳа, бул тўймас Эшон доимо жуъал каби мол-дунё йиғади», деб Хожамизни бадном қилиб, иғво қилиб, ғиёбларида ёмонотлиқ қилмоқчи бўлади. Бундай ёмон иғво гап ўрмалаб, Хожамиз қулоқларига етади. Эшонимиз бир суҳбатларида ҳалиги иғвогар, фасодчи одамни назарларида тутиб, бепарвогина, «Ҳа, ул иғвогар жуъалнинг маргида ўлсин!» («Рашоҳот», 414-бет), дея ҳазилмутойиба гап қиладилар. Гапдан гап чиқиб, Хожанинг бундай иғво ва фисқи-фасодга берилган ҳаққоний, қиличдек ўткир фикри тезлик билан Самарқанднинг сухандўст аҳолиси орасида яшиндек тез тарқалиб кетади. Ҳалиги иғвогар одамнинг ўзи, Хожамизга қилган иғвоси ва фисқи-фасоди Самарқанд аҳолиси орасида маълум бўлиб қолгач, ўзини ваҳима босади ва Самарқандни оиласи билан тарк қилиб, Ҳиротга қочиб, кўчиб бориб яшашга мажбур бўлган экан. Маълумки, «Жуъал — «сассиқ гўнг қўнғиз» дегани бўлиб, ўта шармандалик, бадномликдир. Хожамизнинг бепарвогина айтган ҳазил-мутойибалари ўшал иғвогарга нисбатан айтилган қаҳр-ғазаб ва қарғиш маъносида жаранглаган!

Хожамиз қаҳр-ғазаблари ва қарғишларининг натижаси шундай бўлганки, ҳалиги иғвогар Ҳиротга кўчиб боргач, ўшал Хожамиз пешбинлик қилиб айтган ёмон дардга чалинган экан. Ул иғвогар Хожа Аҳрор Валийни ноҳақ бадном қилгани учун «жуъал» касалига ўзи мубтало бўлибди. Охир-оқибат, шифо топа олмай ўшандай «гўнг қўнғиз» касалига йўлиқиб, ётган жойида ахлатларига ботиб, ўлган экан!

Демак, аслан ҳаётларида ўта меҳршафқатли, мурувватли, ҳалол, пок, меҳридарё бўлган Эшонимиз керак пайтида ноҳақлик, фисқ-фасод ва иғвога нисбатан ўта шафқатсиз, қаҳр-ғазабли ва қатъий ҳам бўлган экан.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби,
Ориф УСМОН,
филология фанлари доктори,
профессор

(Давоми бор.)

ФИТР-САДАҚАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Фитр-садақаси ўзига тўқ мусулмонларнинг муҳтож ва ҳожатмандлар учун Рамазон ойида берадиган хайри эҳсонларидир.

Унинг ҳикматларидан бири фуқаролар, мискинлар, бева-бечоралар ва ҳожатмандларнинг қалбларига улуғ айём — ҳайит олдидан бир оз бўлсада, шодлик бахш этиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва натижада, одамлар орасида меҳр-шафқат туйғуларини уйғотиш бўлса, иккинчидан, рўзадорнинг Рамазон ойида билиб-билмасдан қилган гуноҳларига каффорат ҳамдир.

Фитр-садақасининг вожиблиги ҳақида қуйидаги муборак ҳадисни Ибн Умар ривоят қилганлар:

«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир эркак ва аёлга, хоҳ у озод киши бўлсин, хоҳ қул бўлсин, бир соъ хурмодан ёки бир соъ арпадан фитр закотини бермоғи фарздир», деганлар.

Бир соъ беш ярим ратлга тўғри келади. Бир ратл эса, 450 граммдир. Демак, ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун икки ярим килограмм хурмо, арпа, ун ёки гуруч ёки уларнинг қиймати миқдорида пул эҳсони қилиши вожибдир.

Фитр-садақасини Рамазон ойининг аввалидан ҳайит намози ўқилгунга қадар бериш лозим.

Анас ибни Молик (р.а.) ривоят қилганларки, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки фитр садақасини ҳайитдан илгари адо этмаса, унинг рўзаси ер билан осмон ўртасида муаллақ ҳолда қолади. Фитр-садақаси берилгандан кейин, Аллоҳ таоло унинг рўзасига иккита яшил қанот ато этади ва рўзаси парвоз қилиб, еттинчи осмонгача боради ва Аршдаги қандилга қўниб, ўз эгасидан розилигини изҳор этади», — деб марҳамат қилган эканлар («Зубдатул-ваъизин»).

Пайғамбар (с.а.в.)дан шундай ривоят қилинади: «Фитр-садақасини ҳайитдан олдин адо этганга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўнта яхшилик ато қилади:

Биринчи — уни барча гуноҳлардан пок этади.

Иккинчи — Дўзах оташидан озод қилади.

Учинчи — тутган рўзасини қабул этади.

Тўртинчи — ўша бандасига Беҳиштни вожиб қилади.

Бешинчи — гўрдан соғ-саломат турғазади.

Олтинчи — ўша йилда қилган барча хайрларини қабул қилади.

Еттинчи — ўша бандасига Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоатини вожиб қилади.

Саккизинчи — Сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтказади.

Тўққизинчи — мезонда унинг савобларини оғир қилади.

Ўнинчи — унинг исмини бахтсизлар дафтаридан чиқариб ташлайди», деган эканлар.

Наргиза ХОЛМИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультетининг 2-курс талабаси

Бу дунёнинг лаззати дуо биландир. Охиратнинг сафоси ҳам дуо билан. Дуосиз умрнинг баракоти йўқ. Дуоси бўлмаган дилнинг ҳам, тилнинг ҳам ҳузури бўлмас экан. «Олтин олма, дуо ол», дейди халқимиз. Зеро, дуо Аллоҳнинг бир хазинасидирки, бу хазинадаги туганмас бойликлардан бандалар қанча кўп баҳраманд бўлсалар, шунчалик ўзларига фойдадир. Аллоҳ ҳам эзгу дуо қилувчиларни севгувчи, уларнинг дуоларини қабул қилгувчи меҳрибон зотдир. Бу ҳақда У ўзининг муборак Каломида шундай дейди: «(Эй инсонлар), Менга дуо-илтижо қилинглар! Мен сизларнинг қилган дуоларингизни мустажоб қилурман...» (Ғофир сураси 60-оят), «Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан» (Бақара сураси 186-оят).

Демакки, биз Худодан доимо ўз бахтимиз, омонлигимизни тилаб дуода бўлишимиз керак экан. Дуоларнинг энг афзали эса, шубҳасиз инсоният силсиласидаги буюк зотлар — пайғамбарларнинг дуоларидир.



Ана шундай дуоларни ўз ичига олган «Набийлардан қолган дуолар» номли бир китобча яқинда «Минҳож» нашриётида босилиб чиқди. Ёзувчи ва таржимон Миразиз Аъзамнинг ушбу рисоласида дуоларнинг Қуръони Каримдаги асл матни, уларнинг таржимаси ва ўзбекча ёзувда ўқилиши, яъни транскрипцияси берилган. Ризолашган соланинг яна бир муҳим жиҳати борки, унда дуоларнинг тарихи ва изоҳи баён этилган ҳамда ҳозирги кундалик ҳаётимизнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда тафсир этилган.

БАХТГА ЭЛТАР ДУОЛАР

Хуллас, ушбу мўъжазгина китобчанинг бир қатор ўзига хос ижобий, фойдали томонлари бор. Бунга сиз уни ўқиганингизда албатта амин бўласиз, ўзингизни руҳан тетик ҳис қилиб, мусулмон банда эканингизга шукрлар қиласиз.

Дарвоқе, ҳозир Рамазон ойи. Дуолар айниқса, мустажоб бўладиган ой. Барчамизни эзгу дуолардан айирмасин...

Элмурод НИШОНОВ

«Har bir kishining tug‘ilib o‘skon shahr va mamlakatini shul kishining vatani deyilur. Har kim tug‘ilg‘on, o‘skon yerini jonidan ortiq suyar. Hatto bu vatan his-tuyg‘usi hayvonlarda ham bor...»

Ta’lim tarixidan

АТОҚЛИ ПЕДАГОГ

Ўзбек педагогикаси тарихида XX аср мутлақо янги бир даврни ташкил этади. Бу даврда ўзбек маданияти тарихида биринчи марта жаҳон андозаларига яқинлашган таълим тизими яратилди ва амалга оширилди: янги типдаги бошланғич, ўрта ва олий мактаблар майдонга келди; дунёвий фанлар бу мактабларнинг ўқув дастуридан асосий ўринни эгаллади; фаннинг ўқув дастурига кирган барча соҳаларидан дарслик, қўлланма ва мажмуалар яратилди; бу фанларни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди. Тарихий аҳамиятга молик бу ишларда XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда яшаган зиёли рус педагогларининг ҳам хизматлари бор. Шундай эътиборга сазовор педагоглардан бири Сергей Михайлович Граменицкийдир (1859—1919).

Агар биз Т.Н.Қори-Ниёзий ва Ғафур Ғулом сингари ўзбек халқи тарихини яхши билган фан ва маданият арбобларининг хотиралари ва ҳатто бадиий асарларини ўқисак, уларда С.М.Граменицкий ва унинг «Биринчи китоб»и («Первая книга») тўғрисида ғоят самимий, илиқ сўзлар айтилганига гувоҳ бўламиз. С.М.Граменицкийнинг педагогик ғояларига, дарслик ва ўқув қўлланмаларига назар ташласак, XX аср бошларида рўй берган таълим ислоҳотида, янги усулдаги мактаблар ҳамда бу мактаблар учун ўқув дастурлари ва қўлланмаларининг пайдо бўлишида унинг ҳиссаси катта бўлганига ишонч ҳосил қиламиз.

С.М.Граменицкий бундан 145 йил муқаддам, 1859 йил 6 сентябрда Владимир губерниясидаги Абакулово қишлоғида туғилган. Ота-онасидан ёш етим қолганлиги сабабли 5 ёшидан бошлаб опаси Елизавета Михайловнанинг оиласида тарбия кўрган. Елизавета Михайловна ақл-заковатли, зукко, вазмин, миришкор аёл бўлганлиги, айниқса, тиббиёт сирларини мустақил равишда ўрганиб, халқ шифокори сифатида ҳамқишлоқларининг жонларига оро кирганлиги сабабли, улар ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. Сергей ёшлигида ана шу опасининг кўркам фазилатларини кўриб ўсди ва ундан ҳар томонлама ибрат олишга интилди.

Сергейнинг болалик кезлари Россиянинг хушманзара, хушҳаво, бепоён далаларида кечди. (Опасининг хотирлашича, машҳур рус рассоми И.И.Левитаннинг «Камар ёнида» асарида улар яшаган қишлоқ манзараси акс этган.) Табиатга меҳр ва муҳаббат туйғуси бўлажак педагогда шу сўлим манзил туфайли шаклланди. Унинг катта акаси Дмитрий Михайлович эса, Петербург университетининг ҳам юридик, ҳам Шарқ факультетларини тугатган. У Ўрта Осиё халқлари тилларини яхши билганлиги туфайли дастлаб Етисувга, кейин Туркистон ва Тошкент шаҳарларига келиб, судья бўлиб хизмат қилган. Умрининг сўнгги йилларини эса, Ўш шаҳрида ўтказган. Дмитрий Михайлович адлия ходими бўлишига қарамай, Туркистон ўлкасига, унинг табиати, тарихи ва маданиятига катта қизиқиш туйган.

Граменицкийлар оиласида яна бир ўғил бўлиб, у Тошкент гимназиясини тугатган ҳамда шу ердаги Реал билим юртида математика ва космография фанларидан дарс берган.

С.М.Граменицкийнинг отаси 1877 йили Петербург университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирган. У рус фанининг фахри бўлмиш Д.И.Менделеев, И.М.Сеченев, А.Вагнер, А.М.Бутлеров ва бошқа машҳур олимлар билан бирга ўқиган. Бу, рус жамиятида демократик ҳаракат жунбушга келган, таълим ва тарбия соҳаларига илғор ғоялар шиддат билан кириб келаётган давр бўлиб, отасининг бу ҳаётбахш ғоялар билан «чангланмай» қолиши иложсиз эди.

С.М.Граменицкий ана шундай оилада туғилганлиги ва шундай муҳитда улғайганлиги сабабли Владимир шаҳридаги ўрта мактабни тугатгач, Петербург университети физика-математика факультетининг табиият бўлимига ўқишга кирган. 1881 йили университетни табиатшунослик фанлари номзоди илмий даражаси билан тугатиб, ҳаётини педагогик фаолиятга бағишлашга, бу фаолиятни эса, Туркистон ўлкасида ўташга аҳд қилган.

22 ёшли йигит хотини ва янги туғилган фарзанди билан йўлга чиққанида ҳали Петербургдан Тошкентга темир йўли келмаган эди. Улар не азоб билан Ўрта Осиёнинг марказига етиб келганларида гўдак ўлкада авж олган безгакдан кўз юмади. Сергей Граменицкийнинг Туркистон ўлкасидаги дастлабки қадами ана шундай нохуш воқеа билан бошланади. Аммо ҳеч нарсага қарамай, у ўша йилнинг 1 июлида Тошкент эрлар гимназиясига физика ва математика ўқитувчиси этиб тайинланиши биланоқ жадал ишга киришади. Орадан бир неча йил ўтгач, Тошкент қизлар гимназиясига табиият, математика ва космография дарсларини ўтишга таклиф этилади ва шу ерда 1983 йилнинг 1 августига қадар ишлайди.

С.М. Граменицкий Тошкентда фақат дарс бериш билангина машғул бўлмади. У 1887 йили В.Ф.Ошанин билан бирга Еттисувга бориб, ўша кезларда содир бўлган зилзиланинг сабаб ва оқибатларини ўрганди. 1895 йили Тошкент эркаклар гимназиясининг ўқувчиларини Самарқанд, Панжикент шаҳарларига, шунингдек, Мирзачўлга «илмий-тарбиявий экскурсия»га олиб борди. У ҳар иккала илмий сафар ҳақидаги ҳисоботни «Туркестанские ведомости» газетасида эълон қилди. 1896 йили эса, Нижний Новгороддаги кўргазмага бориб, Россиядаги таълим ва тарбия ишига бағишланган бўлим материаллари билан яқиндан танишди, янги режа ва ниятлар билан қайтиб келди.

С.М. Граменицкийнинг диққат-эътибори 1892 йилдан эътиборан асосан бошланғич мактабга қаратилди. Ўша йилнинг 15 декабрида у Сирдарё вилоятидаги халқ билим юртларига инспектор этиб тайинланди. 1893 йили эса у Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасидан Тошкент эрлар гимназияси 8-синфи ўқувчиларининг математика бўйича етуклик синовларига, ўша вақтнинг атамаси билан айтсак, «депутат» этиб тайинланди. С.М. Граменицкий 1900 йилдан бошлаб 1910 йилга қадар, ўн йил мобайнида Тошкент реал билим юрти талабаларининг битирув- синов ва имтиҳонларига қатнашиб, «депутатлик» бурчини бажарди.

1890 йил 1 июлда Сирдарё вилояти халқ билим юртлари маъмурияти тасдиқланади. С.М. Граменицкий ўша йилнинг 1 августида ўлкадаги халқ билим юртларининг энг яхши билимдони сифатида Сирдарё вилояти халқ билим юртлари директори этиб тайинланади. Унинг шу лавозимдаги 16 йиллик фаолияти натижасида Туркистондаги қуйи билим юртларининг сони 16 тадан 250 тага етади.

Аммо С.М. Граменицкий фаолиятининг муҳим қирраларидан бири унинг ўзга тиллик билим юртлари ўқувчиларининг рус тилини ўрганишларини кўзлаб яратган ўқув қўлланмаларидир. 1917 йилга қадар унинг машҳур «Биринчи ўқиш китоби» («Первая книга») 11 марта, «Иккинчи ўқиш китоби» 8 марта, «Учинчи ўқиш китоби» эса 5 маротаба нашр этилган.

С.М. Граменицкийнинг «Биринчи ўқиш китоби» алифбе йўналишидаги ўқув қўлланмаси бўлиб, муаллиф унда ўқувчиларни тўғри ва чиройли ёзишга ўргатиш билан бирга китоб, қалам, уй-жой, одам ва унинг аъзолари сингари улар атрофини қуршаган митти олам тўғрисида тасаввур уйғотишни ўзига мақсад қилиб қўйган. «Иккинчи ўқиш китоби»нинг бизгача сақланиб қолган иккинчи нашри 1899 йили, муаллифнинг бошқа қўлланмаларидек, ака-ука Порцевларнинг типо-литографиясида чоп этилган. Бу китоб «Мактаб», «Уй ва боғ», «Уй ҳайвонлари», «Шаҳар ва қишлоқ», «Ёввойи ҳайвонлар» сингари тўққиз бўлимдан иборат. Бу бўлимларда зикр этилган жой, ҳайвон ва ҳоказоларнинг расмлари билан бирга улар тўғрисида кичик-кичик мақола, шеър ва ҳикоялар берилган. «Учинчи ўқиш китоби» эса, тўртта катта бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлимда табиат, иккинчи бўлимда тарих, учинчи бўлимда жуғрофияга оид қизиқарли мақолалар, шеърлар, ҳикоялар ва расмлар берилган. Тўртинчи бўлимдан ўрин олган материаллар яшаш учун зарур бўлган шароит (озиқ-овқат, либос, уй-жой каби) ва турли-туман ҳунарлар (масалан, маъданнинг қандай қазиб олиниши ёки ипакнинг қандай тайёрланиши) ва уларнинг тарихига бағишланган. Қўлланма сўнгида русча сўз ва ибораларнинг ўзбекча ва қирғизча таржималари илова этилган.

1885—1896 йилларда Туркистон ўлкасида 28 та рус-тузем мактаби ташкил этилган. Улар сони 1906 йилда 83 тага, 1909 йилда 98 тага етган. Бундай мактабларни очишдан мақсад, чор ҳокимиятига содиқ кишиларни тарбиялаш бўлган. Бироқ шунга қарамай, бу мактабда таҳсил кўрган туркистонлик аксар ёшлар (Чўлпон сингари) кейинчалик чор ва совет ҳокимиятларининг мустамлакачилик сиёсати моҳиятини тушуниб, ўзлари мансуб бўлган халқни уйғотиш йўлида фаолият олиб борганлар.

Рус-тузем мактаблари учун нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари, биринчи навбатда, С.М. Граменицкийнинг асарлари, XX аср бошларида янги усулдаги миллий мактаблар учун педагогик рисолаларнинг яратилишида андоза вазифасини ўтади. Дастлабки ўзбек педагоглари—Саидрасул Азизий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза ва бошқалар ўз педагогик рисолаларини яратишда С.М. Граменицкийнинг мазкур китобларидан самарали фойдаландилар. Унинг «Биринчи ўқиш китоби» эса ўзбек миллий алифбе китобларининг пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатди.

Агар биз юқорида номлари тилга олинган дастлабки ўзбек педагогларининг дарслик ва қўлланмаларини варақласак, уларда Л.Н.Толстой ва К.Д.Ушинскийнинг насрий, И.А.Крилов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов шеърий асарларидан намуналар берилганини кўрамизки, бу асарлар, энг аввало, С.М. Граменицкийнинг дарслик ва қўлланмаларидан олинган.

С.М. Граменицкийнинг «Иккинчи ўқиш китоби»да Ватан тўғрисида ҳам мақола бор. Унда Ватаннинг бундай таърифи берилган: «Ҳар қандай киши ўз Ватанини севади: у шу ерда туғилади, ёшлик пайтида ота-онаси уни шу ерда парвариш этади, боқади, унга ғамхўрлик қилади. Унинг қариндош-уруғлари ва таниш-билишлари шу ерда яшайди; уларнинг ҳаммаси бир тилда сўзлашади, бир-бирини билади, бир-бирини тушунади. У ҳаётининг энг бахтли кезларини — ёшлигини шу ерда ўтказади...»

Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёки ахлоқ» рисоласида «Ватанни суймак» деган фасл бўлиб, унда Ватан бундай таъриф ва тасниф этилган: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўскон шаҳр ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилғон, ўскон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳистуйғуси ҳайвонларда ҳам бор...»

Ҳар иккала муаллифнинг Ватан тушунчасини талқин этишидаги муштараклик шу қадар ёрқинки, уни бир хил фикрлаш маҳсули сифатида ҳам, таъсир сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Аммо шу нарса аниқки, XX аср бошларида «усули савтия» мактабларининг ва бу мактаблар учун дарслик ва қўлланмаларнинг майдонга келишида С.М.Граменицкий ва М.Абдурашидхонов сингари педагогларнинг Тошкентдаги «усули савтия» мактабларининг битирув синовига Қўқондан Ҳамзани таклиф этишида ҳам Граменицкийнинг «депутатлик» тажрибасидан фойдаланиш истаги сезилиб туради.

С.М.Граменицкий 1917 йилнинг март ойида ижроия қўмитасининг қарори билан ишдан озод этилди. У Тошкент шаҳри раҳбариятининг халқ маорифи соҳасидаги ишларига тўсқинлик қилишда айбланди. Кўп ўтмай, жамоатчиликнинг қаттиқ тазйиқи туфайли ўз вазифасига тикланди. Лекин шу аснода олган руҳий жароҳат унинг саломатлигига путур етказади. Атоқли рус педагоги 1919 йил 5 февраль куни ёруғ дунёдан кўз юмади.

Замондошларининг айтишларича, С.М.Граменицкийнинг отаси фарзандларига бундай васият қилган экан: «Эрталаб барвақт тур-да, «Бугун кичкина бўлса ҳам, кимга яхшилик қилишим мумкин?» деб ўйла. Шундай ўй билан ўрнингдан тур. Бошқаларни кечиришга, яқин кишиларингни севишга ўрган. Катталарни иззат қил, кичикларга шафқатли бўл».

Айтишларича, у отасининг ана шу васиятига бутун умри бўйи амал қилиб яшаган.

Наим КАРИМОВ

ФАЛАСТИН РАҲБАРИЯТИ ПАРИЖДА

Фаластин мухторияти раҳбарлари Парижга етиб келди. Асосий мақсад Ёсир Арофатнинг аҳволини бевосита кўздан кечириш, дея изоҳланмоқда. Бошқа маълумотларга қараганда, Арофат ёрдамчилари уни Қоҳирага олиб кетишмоқчи.

Франция пойтахти яқинида жойлашган Кламер шаҳарчасининг ҳарбий госпитали шу кунларда дунё эътиборида. Франция ташқи ишлар вазири Мишель Барньенинг айтишича, Арофатнинг ҳаёти ҳали ҳамон ўта оғир аҳволда қолмоқда. Унинг умр йўлдоши Сухано хоним мухторият раҳбариятини ҳали Арофат оламдан ўтмасдан ҳокимиятни бўлиб олишаётганликда айблади, дея хабар беради "Новости" ахборот агентлиги.

Умумвазият эса, ҳозирда ноаниқ қолмоқда. Шифокорлар шу кунгача касаллик ва ушбу ҳолатларнинг сабабларини айтолмай туришибди. Арофат инсон ҳаётини таъминлаб турувчи сунъий мосламага уланган ҳолда ётибди. Тиббиёт ходимларининг айтишича, агарда ушбу аппарат ўчириладиган бўлса, Фаластин доҳийси оламдан ўтади. Бироқ, унинг рафиқаси ҳеч кимни унинг ёнига йўлатмаяпти.

9 МИНГ КИШИ ОЗОД ЭТИЛДИ

Туркманистон президенти фармонига биноан мамлакат қамоқхоналаридан 9 минг киши озод этилди. Улардан 150 нафари ўзга давлатлар фуқаролари. Бу ҳақда Туркманистон давлат прокуратураси хабар тарқатди. Авф этилганларнинг умумий рўйхати 24 октябрь куни умуммиллий газеталарда чоп этилди. Фармон рус ва туркман тилларида берилди, дея хабар беради "Newsru" интернет сайти.

Охирги бир неча йиллар ичида 130 минг нафар киши озодликка чиқди. Авф этилганлар муқаддас Қуръон китоби ва нон олдида бошқа жиноят қилмасликка онт ичдилар. Президентнинг махсус топшириғига биноан мамлакат корхоналари, завод ва фабрикалар озодликка чиққанларни иш билан таъминлашга кўмаклашиши лозим.

АҚШ АВИАКОМПАНИЯЛАРИ БОНГ УРМОҚДА

АҚШ фуқароларининг ҳаддан зиёд оғирлашиб (семириб) кетаётгани фақатгина мамлакат соғлиқни сақлаш муассасаларига эмас, балки йўловчи авиатранспортлар учун ҳам кўплаб муаммолар туғдирмоқда.

Атлантада жойлашган тиббиёт маркази ўтказган тадқиқотларга қараганда, АҚШ йўловчи ташиш авиакомпаниялари 2000 йилнинг ўзидаёқ 275 млн долларлик қўшимча ёқилғи ишлатишга мажбур бўлдилар.

Америка тиббиёт йўналишини ёритадиган журналнинг ёзишича, 1990 йилдан 2000 йилгача фуқароларнинг ўртача вазни 4,5 кг.гача ортган. Ортиқча вазндан қийналаётган кишилар аҳоли сонининг 65 фоизини ташкил қилмоқда, дея хабар беради "ИТАР—ТАСС" ахборот агентлиги.



Бундан ташқари, самолётларнинг керагидан ортиқ заҳарли газлар ажратиши 3,8 млн тоннадан ошиб кетди. Бу эса, атроф-муҳитнинг ҳаддан зиёд заҳарланишига сабаб бўлмоқда. "Southwest Airlines" авиакомпанияси кўрсаткичдан белгиланган вазндан оғир бўлган йўловчиларга бир эмас, иккита чипта олишни тавсия қилмоқда.

Интернет манбалари асосида
Сарвар САЙЁР ўғли
тайёрлади.

G'aroyib olam

ЎСИМЛИКЛАРДА РУҲ БОРМИ?

Олимлар қуйидагича тажриба ўтказди. Улкан ёнғоқ дарахтининг шохига таёқ билан роса уришди ва лаборатория таҳлилларидан сўнг маълум бўлдики, "қийноқ" жараёнида ёнғоқда саноқли дақиқалар ичида зараркунандаларни қирувчи танин моддаси миқдори жудаям ошиб кетган. Бунинг устига унинг барглари ҳатто ҳайвонлар ҳам ея олмайдиган даражага келган. Шу билан бирга (буни тўқима деб ўйламанг) ёнғоқдан сал нарида турган дуб дарахтига ҳеч ким тегмаса ҳам, у ёнғоқнинг илтижосини эшитгандек, ўз баргларидаги танин миқдорини ошириб юборган.

Инглиз биологларининг кўплаб тадқиқотлари эса, дарахтларнинг қандайдир ақлга сиғмас бир йўл билан бир-бирига сигнал бериш ва қабул қилиб олишларини кўрсатди. Масалан, саваннадаги ўсимликлар сийрак бўлиб, бир-биридан анчагина масофада жойлашган. Антилопалар бирор бута ёки дарахт ёнига яқинлашиб, баргларини чайнай бошласа, қўшни ўсимликлар шу заҳотиёқ "ҳужум" ҳақида хабар оладилар. Уларнинг барглари махсус модда ишлаб чиқаради ва ейишга яроқсиз ҳолга келиб қолади. Дарахтлар хавф-хатар ҳақидаги сигнални каттагина майдонга узатадилар. Агар антилопалар бу "зона"-дан чиқиб кетмаса, унда яшнаб ётган яшил бута ва дарахтлар орасида очликдан ўлиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Олимлар дарахтларнинг бири-бирига хавф-хатар ҳақидаги хабарни узоқ масофалардан узата олишларини аниқлаб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Улар бир-бирини хатар ҳақида жадал огоҳлантириши ва огоҳлантиришга жавоб қайтариши жиҳатидан ҳайвонот олами вакилларидан сира фарқ қилмайди, деб ҳисоблайдилар. Ягона фарқ эса, дарахтларнинг бир жойда қимирламай туришидир. Шу нарса тадқиқотчиларга сайёранинг яшил оламини онгли жонзотлар қаторига қўшишларига ҳалақит беряпти.

Қўҳна замонлардаёқ инсонлар дарахтларнинг ҳам одамлар ва ҳайвонлар сингари онг ва руҳга эга эканлигини таъкидлаганлар. Кўпгина эски йилномаларда бу ҳақда ёзилган. Ўсимликларда руҳ мавжудлиги ҳақида черков тан олмаган диний китоб "Енохнинг сирлар китоби"да ҳам ўқиш мумкин.

Қадимда кўпгина халқлар ҳам ҳатто инсоннинг туғилишидан олдин ёки кейин дарахтда яшаши ҳақида ёзганлар. Будданинг руҳи эса, то унда мужассам бўлгунига қадар турли дарахтларда 23 та ҳаётни бошдан кечирган, дейилади.

Японияда жойлашган будда черковларидан бирида улкан дарахт ўсади. Монахлар унинг муқаддаслигига тўла ишонадилар ва унда XIII асрда вафот этган тақводор аёлнинг руҳи яшайди, деб ўйлайдилар.

Инсоннинг қазосидан сўнг унинг руҳи дарахтга кўчиб ўтишига кўпгина халқлар қатори австралияликлар ҳам ишонадилар. Шу билан бирга улар вафот этган қариндошларининг руҳи қайси дарахтга кўчиб ўтганини аниқ биладилар.

Кореяда ҳам шундай тасаввурлар мавжуд. Корейсларнинг ақидасига кўра, ўлган одамнинг руҳи дарахтда яшашда давом этади. Буни белгилаш учун дарахт остига тошчаларни уйиб қўйишади. Хитойда эса, руҳларга манзилгоҳ бўлади, деб қабристонларга дарахт экишади.

Аммо, яшил дўстларимиз орасида шунақалари ҳам учрайдики, улар олимларни боши берк кўчага киргизиб қўювчи хусусиятларга эгадир.

Фақат инсон ва баъзи бир жониворларгина тупуради, деб ўйлаймиз. Аммо бу фикримиз нотўғри экан. Мексикада шунақа бир дарахт ўсар эканки, агар кимдир уни "хафа қилса", яъни дарахт шохини синдирса ёки бирорта баргини юлиб олса, у ўзидан дарҳол ёпишқоқ суюқлик чиқариб, ўша одамга ёки жониворга отар экан. Дарахт танасининг сув юрувчи каналларида ва баргининг устки томонида махсус кимёвий модда – терпенлар мавжуд экан. Дарахт ўша моддаларни 20 метр масофагача улоқтира олар экан.

Англияда эса, 700 ёшли тисс (доимий яшил, нинабаргли, арчага ўхшаган дарахт) ўсади. Ундаги чуқур ковакдан худди қонни эслатувчи суюқлик сизиб оқиб чиқади. Мадагаскарда ҳам худди шунақа ноёб эвкалипт дарахти ўсади. Унинг пўстлоғи шикастланса, "қонаб" туради. "Қон"ни текшириш шуни кўрсатдики, унинг таркиби на инсон қонига, на ҳайвонлар қонига ва ҳатто оддий дарахт шарбатига ҳам ўхшамас экан. Ўша жойларда 1883 йили бўрон қулатган кўҳна болут(дуб)ни ҳамон эслашади. Шамол шохларини синдирганда у "қон"га беланиб, қичқирган экан.

Фақатгина дарахтлар бундай ғаройиб қобилият эгаси эмас экан. Уларнинг "укалари" ўтўланлар ва гуллар ҳам дарахтлардан қолишмайди. Масалан, АҚШнинг Флорида штатида умуман кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса рўй берган. Уйининг орқа ҳовлисидаги ўриндиқда ўтирган аёлдан сал нарироқдаги ўсимлик унга эгилди-да, новдаси билан аёлнинг баданига ёпишиб олди. Аёл қўлида қаттиқ оғриқ сезди. Ва новда бўйлаб худди шаффоф резина қувурча сингари қон оқиб кетаётганини кўрди. У қонсўрар ўсимликдан зўрға қутилиб олди. Маслаҳат учун чақирилган олимлар эса, фақат елка қисишди. Одатда бундай ўсимликлар фақат ҳашаротлар билан озиқланар эди. Уларнинг инсонга ҳужум қилиши биринчи бор қайд этилди. Бу ўсимлик ер остида яшайди ва ернинг устки қисмида фақат кичкина сариқ гули очилиб туради. Бу гулча унга "бурун" вазифасини ўтайди. Яқинроқда қандайдир мазали нарсани сезиб қолса, ер остига хабар беради. Ва у ёқдан ғизиллаб узун пайпаслагичлар отилиб чиқади ҳамда ўлжасини маҳкам қисиб, қонини сўриб олади.

Яхшиямки, юқоридаги ҳодисада ўлжа ҳаддан ташқари катта эди. Агар унинг ўрнида уч-тўрт ёшли болакай бўлгандами?...

Интернет манбалари асосида
Шарифа МАДРАҲИМОВА
тайёрлади.

ОИТСнинг ДАВОСИ ТОПИЛ(А)ДИ

Илм-фан қанчалик юксак тараққий этмасин, унинг олдида яна кўпдан-кўп муаммолар ўз ечимини кутиб тураверади. Айрим ҳолларда эса, эришилган бирор натижа "соя"сида янгиянги масалалар юзага келади. Лекин, барибир кашфиёт, ихтиро, изланиш яхши нарса. Айни шулар кишилик жамиятининг ҳаётига мазмун бағишлайди. Унинг турмуш даражасини юқорига кўтаради. Ҳатто, ҳаётини сақлаб қолади.

Швейцариялик бир гуруҳ олимлар узоқ йиллик изланишлари натижасида организмни бедаво дард бўлган ОИТСдан ҳимоя қила оладиган дори воситаси кашф этганликларини эълон қилдилар. Лекин, бу маълумотнинг шов-шув касб этишига ҳали эрта. Чунки, тадқиқот ишлари ҳозирча маймунларда ўтказилди, холос. Шундай бўлса-да, ушбу дори воситаси ўзининг дастлабки натижаларини берди, яъни, мазкур вирусга эга бўлган организмларда тўла соғайиб кетиш ҳолати кузатилди. Маълумки, ОИТС организмни ҳимоя қилувчи лимфоцитларни зарарлайди. Вирус уларга махсус рецепторлар орқали сингади. Илгари америкалик мутахассислар шу рецепторларни ёпиб, ОИТС вирусини "ўраб" олувчи моддани яратишга муваффақ бўлган эдилар. Швейцарияликлар худди мана шу илмий ишни давом эттирган ҳолда ирсий модификация йўли билан такомиллашган дори воситасини яратгани эътиборлидир. Бу модда барча рецепторларни тўлиқ қамраб олиб, лимфоцитларни ишончли ҳимоя қилади. Инсонни ОИТСга таслим бўлишдан сақлайди. Женева университети профессори Робин Оффорднинг таъкидлашича, дори воситаси тўғри ва муваффақиятли қўлланилса, ОИТС юқишининг олди олинади. Гарчи мазкур восита 65 фоиз самара берганда ҳам 3,5 миллион одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлади. Дори воситаси терига суриладиган маз(малҳам) кўринишида ишлаб чиқарилади ва тез орада одамларда ўтказилган клиник тажриба натижалари олинади. Ҳозирда кўнгиллилар ўртасида бошланган тажриба-синов ишлари натижа бериши учун яна бироз кутиш лозим.

О.СУЛАЙМОНОВ тайёрлади.



PUSHTI ATIRGULLAR

Lola onasi bilan do'konlarni aylanib yurar ekan, bugun buvisining tug'ilgan kuni ekanligini o'ylab boshi qotgan edi. Hali endi yetti yoshni qarshi olgan Lola buvisining tug'ilgan kunini eslab qolgani onasini hayratga soldi. Lola buvisi va bobosining erka nabirasi bo'lgani uchun ularga antiqa sovg'a olmoqchi bo'ldi. Va narsa xarid qilayotgan onasining qo'lidan torta boshladi.

— Oyijon, tezroq bo'ling. Axir bugun buvimning tug'ilgan kunlari-ku. Ular bizni kutib o'tirgandirlar. Yana ularga sovg'a olish ham yodingizdan chiqmasin!

— Xo'p, qizim. Yodimdan chiqmaydi. Albatta sovg'a olamiz. Hozir gullar do'koniga kiramiz. Buving gullarni yoqtiradi, — dedi onasi.

— Ha, aytgancha, oyijon, pushti atirgullarni yoqtiradilar, — deb qo'shib qo'ydi Lola. Ular gul do'koniga kirishdi. Yo'l-yo'lakay suhbatlashib ketishdi.

— Bilasizmi, oyijon?

— Nimani?

— Bobomlarning faqat pushti atirgullarni o'stirishini.

— Yo'q.

— Bir kuni buvim bilan ikkimiz bobomning gulzorlariga kirdik.

— Rostdanmi? — ajablanib so'radi onasi.

— Ha, — so'zida davom etdi Lola. — Unda men hali kichkina qizaloq edim.

— Hali ham kichkina qizaloqsan, — dedi kulib onasi.

— Yo'q. Axir men maktabga boraman-ku. Unda men maktabga bormas edim.

Shu orada ular gullar do'koniga yetib kelishdi.

— Voy, oyijon, muncha chiroyli gullar. Qaysi guldan olamiz? — sevinib so'radi Lola.

— Kel, yaxshisi pushti atirgullar olamiz, — taklif kiritdi onasi.

— Juda yaxshi — dedi, Lola ham.

— Iltimos, mana bu atirgullaringizdan bir dasta yasab bering, — deya sotuvchiga murojaat qildi Lolaning onasi pushti atirgullarga ishora qilib.

— Bir daqiqa, — dedi sotuvchi ayol tabassum bilan.

— Oyi, keyin nima bo'lganini aytaymi?

— Ha, aytaqol. Keyin nima bo'ldi? — qiziqib so'radi onasi.

— Keyin bobomdan: "Bobojon nima uchun faqat bir xil atirgullar ekasiz?" deb so'radim. Bobom: "Asal qizim, chunki buvijoning shunaqa gullarni yoqtiradi, tushundingmi?" dedilar. Ha, aytgancha, oyijon, u yerdagi gullardan hech kim uzmasligi uchun bobomlar hech kimni kirgizmaydilar. Chunki boshqalar kirib, uzsalar gullar yig'lar ekan. Ular yig'lasa buvimlar ham yig'laydilar.

— Bobong shuning uchun u yerga hech kimni qo'ymas ekan-da. — Ajablanib so'radi onasi. Lola tasdiq ishorasini ko'rsatdi. Shu orada gullar ham tayyor bo'ldi.

Sotuvchi: — Marhamat. Gullar tayyor bo'ldi, — deb gullarni Lolaga tutqazdi.

Lolaning quvonchi cheksiz edi.

— Oyi, maylimi buvimlarga gullarni men bersam?

— Mayli, oppog'im. Unda hozir dadangning ishdan kelishlarini kutamiz va buvingnikiga boramiz.

— Kelishdik, oyijon.

Kechga yaqin dadasi ham keldi. Ular birgalikda bobosining uylariga ketishdi.

Bobosining uyi mehmonlar bilan to'lgan ekan. Xolalari, tog'alari, hammalari shu yerda ekan. Lola darvozadan kirishi bilan buvisi tomon yugurdi. Qo'lidagi gullarni buvisiga tutqazib: Buvijon, tug'ilgan kuningiz bilan tabriklayman! Men, sizga dunyodagi eng chiroyli gullarni olib keldim, — dedi.

— Voy, asal qizim, rahmat. Qayerdan bilding mening pushti atirgullarni yoqtirishimni?

— Bobomdan eshitganman.

Shu choq gulzordan bir dasta pushti atirgul ko'tarib Komil bobo chiqib qoldi. Lola ko'rib hayron qoldi.

— Voy, bobojon, axir bu gullarni uzsang yig'laydi degandingiz-ku. Ular hozir yig'lashayapti, — xafa bo'ldi Lola. Barchasi kulib yubordi.

— Qizim bu gullar bugun yig'lamaydi. Chunki buvingga sovg'a qilayapman, — tushuntirishga urindi bobosi.

— Unda meni aldabsiz-da? Gullar yig'laydi deb, — xo'mraydi Lola.

Bobosi esa aybini yuvish uchun unga ham pushti atirgullar sovg'a qilishga va'da berdi va uni gulzoriga olib ketdi.

Oy ko'kda nur sochib, go'zal tunni yoritib turibdi. Tug'ilgan kun esa haqiqiy bayramga aylanib ketdi. Hamma xursand. Lola esa, dunyodagi eng go'zal gullar, ya'ni pushti atirgullarning hididan mast bo'lib, shiringina uxlab yotardi.

Shahnoza TURSUNOVA,
Denov tumanidagi 72-maktab o'quvchisi

BESHIKDA TERMULGAN MUNCHOG'IM — VATAN



Shu yil yozning boshlarida O'zbekiston televideniesi "Yoshlar telekanali"da xizmat qiladigan Amrillo degan jurnalist ukamiz menga bir varaq tutqazdi:

— Mustaqillik bayramiga bag'ishlab yoshlar o'rtasida ijodiy tanlov o'tkazgandik, Chortoq tumanidagi litsey-internatning 11-sinf o'quvchisi Otabek Tillaev degan bolaning mana bu she'rlari hammamizga yoqib qoldi. Bir ko'ring-ga...

... Yuzi — nur, qo'llari qadog'im o'zing,
Mushtoq bo'lsam, yolg'iz mushtog'im o'zing,
Tovonim qo'msagan tuprog'im — Vatan...

Haqiqatdan ham Otabekning Vatan haqidagi she'rlari nihoyatda samimiy edi. Ta'bir joiz bo'lsa, bu odamlarga, borliqqa obi-hayot ulashish niyat-ilinjida ona zamin bag'rida ko'z ochgan mitti buloqqa o'xshardi:

Sensan — menga bog'cha bo'lgan shiyponlar,
Ertakchi mo'ysafid sadarayhonlar,
Men ot choptirgan o'sha, ko'm-ko'k sayhonlar...

O'z yurtining "Shoh Mashrabning jandasidan to'kilgan tuprog'i"ni aziz bilgan bu ijodkor ukamizni men ancha qidirdim. Namangan viloyat bo'limimizga sim qoqdim. Maqsadim, uni yaxshiroq bilish, ijodkor yoshlar bilan ishlashga mas'ul inson sifatida ham ozmi-ko'pmi ko'mak berish, qolaversa, Zominda bo'lib o'tadigan yosh ijodkorlar seminar-kengashiga olib ketish edi.

Kuni kecha do'stimiz, "Ma'rifat" gazetasining bosh muharriri Halim Sayyid:

— Aka, safar davomida Namanganda yaxshi bir shoir yigitni uchratdim, mana bu she'rlarni o'qib ko'ring-ga, — deb qoldilar...

Shunday qilib, aziz gazetxon biz sizlarga quvonch bilan yana bir yosh shoirning ilk she'rlarini taqdim etmoqdamiz. Otabekka esa, tilagimiz shu: Ko'nglingizni pokiza tuting, pok ko'ngil bilan she'riyat olamiga kirgan insonga hamisha tole ham yor bo'ladi. She'r sog'inchi dilingizga nur bag'ishlasin. Ulug' ustozlarimizning yo'lini bersin!

Minhojiddin MIRZO,
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisining yosh ijodkorlar bilan ishlash bo'yicha o'rinbosari

VATAN

Onamning bag'ridan
Jilmagan paytim
Armon ne, anduh ne
Bilmagan paytim
Hali qo'limdan ish
Kelmagan paytim-
Beshikda termulgan
Munchog'im — Vatan,
Qush bo'lsam sig'ingan
Butog'im Vatan.
Sensan — menga bog'cha
Bo'lgan shiyponlar,
Ertakchi mo'ysafid
Sadarayhonlar,
Men ot chopgan o'sha
Ko'm-ko'k sayhonlar
Yoshlikda qo'y boqqan
O'tlog'im Vatan.
Qush bo'lib sig'ingan
Butog'im Vatan.
Yelkada ko'tarib
O'stirgan o'lkam,
O'zing ayt, jannatdan
Qay bir yering kam?
Sen-anhor suvida
Oqizgan kulcham,
Kapalak quvlagan
Gulbog'im Vatan,
Qum bo'lsam sig'ingan
Butog'im Vatan.
Sen bilan jonim bir-
Jigarporangman,
Qiyomatlik do'sting,
Sodiq og'angman,
Yurak-yuragingdan
Chiqqan ohangman.
Yaxshi-yomon kunda
Panohim Vatan,
Qush bo'lsam sig'ingan
Butog'im Vatan.
Mening borim o'zing,
Adog'im o'zing,
Yuzi-nur, qo'llari
Qadog'im o'zing,
Mushtoq bo'lsam yolg'iz
Mushtog'im o'zing.
Tovonim qo'msagan
Tuprog'im Vatan,
Qush bo'lsam sig'ingan
Butog'im Vatan.

O'ZBEKISTON

Alpomishning qulog'iga
azon aytgan yurt,
Temurlarni tolbeshikka
belagan diyor.
Dalasiga tongda ketib,
tunda qaytgan yurt
Tirik jonga tiriklikni
tilagan diyor.

Seni qo'yib nigohim
yot go'shaga boqmas,
Hech bir joy yo'q
yuragimga sendan
yaqinroq.
Shu bir qo'ng'ir tuprog'ing
ham oddiy tuproqmas —
Shoh Mashrabning
jandasidan
to'kilgan tuproq.

Og'zida non chaynab berib
ulg'aytgan o'lkam,
Mangulikka emikdoshdir
urug'-aymog'ing.
Asli seni qancha suysam,
yana shuncha kam
Singlimdayin hattoki bir
momaqaymog'ing.

Ishon, chetga surib qo'yib
zebu zaringni
Kaftimdagi tikoningga
sig'ingaydirman.
Har yil bahor qaytib kelar
turnalaringni
O'z onamni sog'inganday
sog'ingaydirman.

Esga solar o'tib ketgan
keksa buvimni
Qaddi bukik, ajin bosgan
majnuntoling ham.
Borlig'ingga bag'ishlayin
boru budimni
Ko'r bo'laman,O'zbekiston,
seni bilmasam.

Otabek TILLAYEV,
Chortoq tuman litsey-internati 11-sinf o'quvchisi

SHIRIN BIR XAYOL

Qanotim bo'lsa-yu
ko'klarga uchsam,
Parvozim zabt etsa
butun olamni.
Uchib borsam-u
yulduzni quchsam,
Va yonimda ko'rsam
onaginamni.

Osmonni aylansam charchoqsiz, omon,
Marsu, Yupiterlar yonimda bo'lsa.
Yana yerga qaytsam bo'lib sog'-omon,
Qarigan chog'da ham, bo'lsa yodimda.

Shunday xayollarni qilar yosh yurak,
Kimgadir xayollar bo'ladi tilak,
Qalbimga shundayin shirin dam kerak.
Orzu og'ushida yashar bu yurak.

Feruza HASANOVA,
Qumqo'rg'on tumanidagi 51-maktab o'quvchisi

JANNATMAKON O'LKA

Hali hanuz eslayman bolaligimda
Buvim bir rivoyat aytgan edilar.
Hali hanuz eslayman yoshlik chog'imda,
Buvim bir hikoyat aytgan edilar.
Uni men so'ylayin
Misoli doston.
"Olloh yer yuzini yaratgan emish,
So'ng yerni ellarga tarqatgan emish.
Ellar yer ustida talab-tortishmish,
O'zbek esa bir chetda kuzatib turmish.
Ellar yer yuzini bo'lib olibdi
O'zbegimga yer ham yetmay qolibdi.
Shunda:
O'zbekning kamtarligiga,
Uning mehmondo'st-u, saxiyligiga,
Yaratgan egam ham qoyil qolganmish,
So'ngra o'z jannatin bir bo'lagini
Xokisor o'zbekka hadya qilganmish.
Shundan beri O'zbekiston,
Bir o'lkaki jannatmakon".

Gulshoda QOZOQOVA,
Toshkent pedagogika kolleji o'quvchisi

«УМИД»ДА УМИДЛИ ТЕННИСЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Стол тенниси деганда кўпчиликнинг кўз олдига спортдан ҳам кўра кўпроқ зерикишнинг олдини оладиган машғулот келади. Бу спорт турининг бошқа спорт турларидан афзаллик жиҳати шундаки, у билан жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган кишилар ҳам шуғулланишлари мумкин. Стол тенниси дангаса одамларнинг ҳам спорт билан шуғуланяпман, дейишига асос бўла олади.

Бу спорт тури бўйича республикамиз спортчилари дунёда салмоқли даражада муваффақиятларга эришган, дея оламиз. Наманганлик Севара Қодированинг жаҳон чемпиони бўлганлиги, "Афина-2004" мусобақаларида Манзура Иноятованинг иштироки сўзимизга далил бўлади.

Жаҳон стол тенниси саҳналарига чиққан ака-опаларига муносиб издош бўлиш истагидаги болажонлар ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги "Умид" спорт-соғломлаштириш мажмуасига йиғилиб, бир неча кун мобайнида ўз омадларини синаб кўришди. Бу синовда улар жисмоний жиҳатдан тайёргарлигини ҳам, бу спорт турига бўлган муҳаббатларини ҳам йиғилганларга намойиш этишди.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси ташкил этган "Соғлом авлод" кубоги учун ўтказилган республика турнирида 1991-1992-1993 йилларда туғилганлар ва ундан кичик ёшдагилар ўртасида қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Унда Республикамизнинг барча вилоятларидан, Тошкент шаҳридан 56 нафар ёш теннисчи иштирок этди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон стол тенниси федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва "Камолот " ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотчилигида ўтказилган спорт мусобақаси якунида қуйидаги натижалар қайд этилди:

Қизлар ўртасида (1991-1992 йилда туғилганлар)

1. Г. Ҳусаинова (Тошкент в.)
2. Ш.Бурҳонходжаева (Тошкент ш.)
3. Е.Рассказова (Тошкент ш.)

(1993 йилда туғилганлар ва ундан кичиклар)

1. М. Эрматова (Андижон в.)
2. Н. Бурҳонходжаева (Тошкент ш.)
3. Ф.Нарзуллаева (Бухоро в.)

Ўғил болалар ўртасида (1991-1992 йилда туғилганлар)

1. А.Маслов (Тошкент ш.)
2. Д. Талкаев (Тошкент ш.)
3. Б.Айтуганов (Тошкент в.)

(1993 йилда туғилганлар ва ундан кичиклар)

1. Ф.Ражабов (Хоразм в.)
2. В.Брюхов (Тошкент в.)
3. А.Фатхуллаев (Наманган в.)

Ғолибларга "Соғлом авлод" жамғармасининг биллур кубоклари, қимматбаҳо эсдалик совғалари ва махсус дипломлари топширилди.

Уларнинг мураббийлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги томонидан тақдим этилган теннис столларига эга бўлишди. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам ғолибларни муносиб тақдирлади.

"Проктер энд Гембл" компанияси ҳам иштирокчиларга ўз совғаларини топширди.

МУХБИРИМИЗ

ЧЕМПИОНЛИК ҒАЛАБА БИЛАН ҚАРШИЛАНДИ

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси футбол бўйича Ўзбекистон XIII миллий чемпионати олий лигаси жамоалари орасида яна бир ўзига хос илғорликни намоён этди. Жамоа чемпионат тугашига икки тур қолганда, аниқроғи, 24-тур учрашувлари натижасига кўра, Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Чемпионлик «Бухоро» устидан қозонилган 4:0 ҳисобидаги ғалаба билан қарши олинди. «Пахтакор» мамлакат чемпионатида беш марта—1992, 1998, 2002 ҳамда 2003 йилларда ғолибликка эришган эди.

Фарғонанинг «Нефтчи»си Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, кумуш медал сари яна бир қадам қўйди. «Навбаҳор» ва «Насаф» нинг эришган зафари бронза медали кимга насиб этишини ойдинлашувига монелик қилди.

Чемпионат оутсайдери бўлган жамоалар «Андижон» — «Самарқанд-Динамо» жамоаларининг ўзаро учрашувида 2:1 ҳисобининг қайд этилиши андижонликларга олий лигада қолиш учун курашни давом эттириш имконини берди. «Локомотив» «Қизилқум» ни 5:0 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, «Машъал» «Трактор» устидан 3:2 ҳисобида ғалабага эришди.

Тўпурарлар баҳсида рақиблар дарвозасига 25 та гол киритган Ш.Мирхолдиршоев («Навбаҳор») карвонбошилик қилмоқда.

О.СУЛАЙМОНОВ

ГЕРМАНИЯГА ЙЎЛЛАНМА

Андижоннинг "Звезда" эркаклар жамоаси жорий йилнинг декабрь ойида чим устида хоккей бўйича Германияда бўлиб ўтадиган халқаро турнирда иштирок этади.

Ушбу мавсумда мураббий Ринат Маматказин бошчилигидаги "Звезда" жамоаси мамлакат чемпионатида пешқадамликни қўлдан бой бермай, еттинчи маротаба Ўзбекистон кубоги соҳиблари деган номга сазовор бўлишди.

Германиялик хоккейчилар 2005 йилнинг март ойида мамлакатимизга жавоб учрашувини ўтказиш мақсадида ташриф буюришади.

К.НИЗОМОВ
"Туркистон—пресс"

ФИДОЙИ ЁШЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Эл-юртимиз осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилишни шараф деб биладиган ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Уларга бу борада ҳукуматимиз томонидан барча зарур имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, ички ишлар идораларида хизмат қилишни истайдиган ёшлар учун Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Олий ҳарбий техник билим юрти каби нуфузли ўқув даргоҳлари фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси таркибида Сержантлар тайёрлаш олий курси ташкил этилгани бу борадаги яна бир хайрли ишлардан бўлди. Шу йилнинг 1 октябридан фаолият кўрсата бошлаган бу курс фидойи ёшлар ўз имкониятларини ишга солиши учун қулай шароит яратди.

— Курсга олий ва ўрта-махсус маълумотга эга бўлган, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ўрта маълумотли, жисмонан ва маънан етук, ҳарбий хизматни ўтаган 25 ёшгача бўлган ёшлар танлов асосида қабул қилинади, - деди сержантлар тайёрлаш олий курси бошлиғи, полковник Султонбой Тангирбердиев ЎзА мухбирига. — Олти ой давом этадиган ўқиш жараёнида курсантларга соҳага тегишли барча зарур назарий ва амалий билим берилади.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қўриқлаш ва патруль-пост хизматларида, жазони ижро этиш муассасаларида сержантлардан нимаики талаб қилинса, таълим жараёнида улар буни тўла ўрганади.

— Институтда иқтисодчи лавозимида ишлардим, — дейди фарғоналик курсант Нодир Сайфиддинов. - Шу орада сафарбарлик чақируви резервига хизматга чақирилдим. Бир ойлик ҳарбий йиғин ҳаётимни ўзгартирди. Айни соҳада юртим учун кўпроқ нафим тегишини англаб, шу ерда ўқишга қарор қилдим.

— Болалигимдан форма кийган ҳарбийларга, ички ишлар ходимларига ҳавас қилардим, - дейди хоразмлик Музаффар Йўлдошев. — Лекин тақдир тақозоси билан ўқитувчилик касбини танладим. Ушбу курснинг очилганини эшитиб, бу мен учун орзуим йўлидаги қулай имконият эканини ҳис қилдим. Синов босқичларидан ўтиб, бўлажак сержантлар сафига қўшилдим. Ниятим - юртимга муҳаббат ва фидойилик билан хизмат қилиш.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ОДАМ ҚИЁФАСИДАГИ СТАДИОН 2012 ЙИЛДА

Агар Лондон 2012 йилда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилишни қўлга кирита олса, шаҳарнинг шарқий қисми бутунлай қайтадан таъмирланади ва у ерда жуда чиройли олипиада шаҳарчаси бунёд этилади.

Аввало Олимпиа боғи қуриш режалаштирилмоқда. Унинг умумий майдони 500 акрга тенг бўлиши мумкин. Қўмита раҳбари лорд Коининг айтишича, янги стадионда спортчиларга энг яхши ва табиий шароит яратилади. Марказий ўйингоҳдан ташқари боғда сув спорти иншооти, хоккей майдончаси, велодром, матбуот маркази ўрин олади. Олимпиада қишлоғи бир пайтда 17800 кишини бағрига сиғдириши мўлжалланмоқда.

"Биз Европадаги энг яхши спорт маркази бунёд этиш мақсадидамиз, нафақат Европада, балки бутун дунёда", деди қўмита раиси. Архитекторлар, мана шу лойиҳа устида ишлаётганлар уни инсон танасига ўхшаган тарзда қуришмоқчи.

"Биз яна шуни қўшишни истаймизки, стадионнинг ташқи кўриниши пишиқ-пухта, худди спорт билан шуғулланаётган киши тасвирини бериши керак", деди дизайнлар гуруҳи раҳбари Александро Заро-Полло.

КОСТЯ ЦЗЮ ЎЗ МУХЛИСЛАРИГА ИШОНАДИ

Ярим ўрта вазндаги Жаҳон чемпиони Костя Цзю ўзининг профессионал рингдаги рақибини бокс ишқибозлари танлаб беришига ишонч билдирди, деб хабар беради AllBoxing сайти.

"Мен одамлар нимани хоҳласа, ўшани қиламан, — дейди у. — Доимо улар менинг сайтимга нималар ёзишаётганлигини ўқийман. Кўпчилик Артур Гатти билан рингга чиқишимни истаяпти. Мен бунинг учун нима қиламан. Мана менинг веб сайтим www.KostyaTszyu.com. Кўрамиз, юқоридаги фикрга кўпчилик одамлар нима дер экан? Ундан кейин эса, рақибим билан музокаралар олиб боришни бошлайман."

Ўтган якшанбаларнинг бирида боксчи америкалик Шармбой Митчелл устидан ғалаба қозонганди. Америкалик боксчининг промоутери эса, Цзю билан бўладиган жанг Артур Гатти соғлигига жиддий хавф солиши мумкин, бундай муштлашувни таъқиқлаш керак, деб ҳисоблайди.

Митчелл устидан қозонилган ғалаба Цзюнинг нафақат ўз вазн тоифасида кучли боксчи эканлигини кўрсатди, балки унга яхшигина даромад ҳам олиб келди. Ушбу жангда Цзю бир миллион доллар гонорарга эга бўлди.

Bundan avval ham muallifning roziligi bilan bir asari Polsha elchixonasi tomonidan xarid etilgan va puli Jizzaxdagi mehribonlik uyiga xayriya sifatida o'tkazilgan edi.

Устахонада.

ЁШ МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ

Мехрибонлик уйида.

Тасвирий санъат оламига дадил қадамлар билан кириб келаётган ёш рассом Жавоҳир Субҳоновни ҳозирданоқ кўпчилик танийди. Айни пайтда Республика рассомлик коллежида ўқиётган Жавоҳир Тошкентда, зиёли оиласида туғилган. Отаси — Илёс Субҳонов ҳам рассом. «Ўзбекфильм»да ишлайди, «Менинг илк устозим — отам», дейди Жавоҳир.

2001-2003 йилларда Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Шанкар» халқаро болалар ижодиёти кўрик-танловида Жавоҳир Субҳонов фаол иштирок этиб, совриндор бўлди ва Республика рассомлик коллежига имтиёзли қабул қилинди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Сирғали туманидаги «Ўзгариш» маҳалласи фуқаролар йиғини биносида болалар учун ташкил этилган ижодкорлар ўқув маркази Жавоҳир каби ёш истеъдод эгаларини тарбиялашда катта ҳисса қўшмоқда. Марказга Башорат Анорқулова раҳбарлик қилади.

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан Жавоҳир Субҳонов Тошкентдаги 29-Мехрибонлик уйида кўргазма ташкил этди ва бу муассасага ўзининг «Варраклар» асарини туҳфа қилди. Бундан аввал ҳам муаллифнинг розилиги билан бир асари Польша элчихонаси томонидан харид этилган ва пули Жиззахдаги мехрибонлик уйига хайрия сифатида ўтказилган эди. Ҳозирданоқ «Мозий», «Ижодга йўл», «Жараён», «Отлар», «Лаҳзалар», «Ўтмиш садоси», «Қуёшли кун» сингари бадиий жиҳатдан пишиқ асарлари билан санъатсеварлар эътиборини қозонган ёш мўйқалам соҳибига ижодий парвозлар тилаймиз.

МУХБИРИМИЗ

«Қуёшли кун».

«Лаҳзалар».

«Ўтмиш садоси».

Xullas...

ЖОНИВОРЛАР ФОРУМИ

Макс Отто фон Штирлиц деб номланган узун думли, кўзлари ақлли, паспорти бўйича «оддий каламуш» деб таърифланган жонивор Бутунроссия ҳайвонлар форуми — «Миллионлаган дўстларимиз: тирик табиат ва жамият»да биринчи ўринга мушарраф бўлди.

Штирлиц камёб тур, унинг қандай турлардан пайдо бўлгани муҳим эмас. Форумда намойиш қилинган 40 та каламуш ичида у ажралиб турар эди. Нижегородда очилган кўргазмага фақат Россиядан эмас, балки Бразилия, Ҳиндистон, Венесуэладан ҳам турли жониворлар ўз хўжайинлари билан ташриф буюришди. Словакия, Польша, Португалиядан етиб келган экспертлар кўргазмадаги 1600 та турли хил жониворни муносиб ва холис баҳолаш ва тақдирлаш учун анча тер тўкишларига тўғри келди.

ХУДО БЕРГАН БЎЙ

Кишинёвлик Раиса Сербовага Худо бўйдан берган. 18 ёшида у 168 см. эди, баскетболни яхшигина ўйнарди. Енгил атлетика билан шуғулланишга эса журъат қилолмасди, бўйи яна ўсиб кетса-чи?

Аммо, барибир тақдирдан қочиб қутулолмас экансан. 37 ёшга кириб турмушга чиққан Раиса фарзандли бўлгач, энди бўйим ўсишдан тўхтар, деб ўйлаган эди. Афсуски, йилига бир см. ўсаётганга ўхшайди. Ҳаттоки, турмуш ўртоғи Александрдан ҳам бир қарича зиёд. Тўйлари бўлган вақтда Раиса эридан хийла паст эди. Ҳа, бу ҳақиқат, унинг бўйи ўсишдан тўхтагани йўқ.

Янги оилада дунёга келган қизалоқнинг бўйи қандай бўлар экан, бу ҳаммани қизиқтирадиган савол. Раиса эса, қизчасининг бўйи кўпники қатори бўлишини истайди...

ana shunaqa gaplar

«НИЛУФАР» КРОССВОРДИ



ЭНИГА:

5. Ҳамдўстлик мамлакати. 7. Арифметик амал. 8. Ўз даврида жаҳонга машҳур бўлган рус сухандони. 9. ... ҳаё. 11. Фарғона вилоятидаги туман. 12. Электромагнит тўлқинлар мосламаси. 15. Тезкор ёғин. 16. Толали ўсимликлар гуруҳи. 18. Оёқ кийими. 21. А.С.Попов кашфиёти. 23. Миллат. 24. Сувда ўсувчи гул. 25. Грек ҳарфи. 29. Француз физиги. 31. Туянинг тури. 32. Бир томондан чегараланган тўғри чизиқ. 33. У тилдан бу тилга ўгириш. 37. Безак ўсимлиги. 39. Ёввойи ҳайвон. 41. Гоголь комедияси. 42. Йиртқич қуш. 43. Ёвуз ёввойи ҳайвон.

БЎЙИГА:

1.Пахта хомашёси. 2. Хоразм вилоятидаги туман. 3. Қимматбаҳо кимёвий элемент. 4. Ҳамдўстлик мамлакати пойтахти. 6. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган вокал-чолғу ансамбли. 7. Сулавеси оролида яшовчи ҳайвон. 10. Йил ҳисоби. 11. Ёзув-чизув қуроли. 13. Шарбатли мева. 14. Пиёз нави. 15. Ёввойи йиртқич ҳайвон. 17. Қурувчилик касби. 19. Муқаддас дин. 20. Машҳур рус физик олими. 22. Улуғ, мўътабар зот. 23. Заҳарли ҳашарот. 26. Қуш. 28. Дурадгорлик асбоби. 29. Волганинг чап ирмоғи. 30. Европадаги давлат пойтахти. 33. Байрам таоми. 34. Сўз туркуми. 35. ... Султонов, «Имон» асари муаллифи. 36. Дурадгор асбоби. 38. Жиҳоз. 40. Эътиқод.

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ !

XI аср бошида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асносида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган янги имлодаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор "Исроилов Дилмурод Зокирович"

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-128. Тиражи 19595. 1 2 3 ` 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — Топширилди —